ОПИСАНО
Инв.
15 МАР. 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 44 (20. 911) 1991 йил 2 март, шанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Октябрь районидаги «Уч қаҳрамон» совхозида баҳорги экиш мавсумига яхши тайёргарлик кўрилди. Мавжуд 36 та чопиқ тракторининг 30 таси, 28 та экиш агрегати, 14 та чизель, 290 та борона сифатли таъмирланди.

Суратларда: 1. Хўжалик бош муҳандиси Раҳмон Маҳмудов слесарлардан Болибек Мамбетов ҳамда Иброҳим Нурматов билан тайёр техника восталарини кўздан кечирмоқдалар. 2. Ишга тахт қилиб қўйилган техника восталари. 3. Илғор механизатор Абдиқул Хўжамқулов. У ўз агрегатини аллақачон таъмирлаб қўйган.

У. ҚУШВОҚОВ туширган суратлар.

ҚАЙТИШ ҲАМ, ТЎХТАШ ҲАМ ЙЎҚ

М. С. Горбачевнинг 26 февраль куни «В. И. Ленин номли Минск трактор заводи» бирлашмасидаги учрашувда сўзлаган нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!

Аввало, сизларни Белоруссия бўйлаб сафарим режалари билан таништирмоқчиман. Биринчидан, Минск меҳнаткашлари билан суҳбатлашишни истар эдим, айни шу мақсад билан ҳузурингизга, трактор заводига келдим. Яна бугун кечқурун, илмий, ижодкор зиёлиларнинг вакиллари билан учрашиб, уларнинг гапларини тинглаш, эҳтимол, уларга бирор гапни айтиш истагим ҳам бор. Кейинги икки кунни Чернобиль аварияси натижасида ғоят оғир аҳволга тушиб қолган зонада ўтказмоқчиман. Мен Гомель ва Могилев вилоятларини кўзда тутяпман, бу вилоятларда, албатта, бўлишим, одамларнинг гапларини эшитиб, улар билан ҳамма нарсани муҳокама қилишим лозим.

Энди, ҳурматли тракторсозлар, сизларни ва сизлар орқали Белоруссиянинг, республиканинг Ватанимиз тарихий тараққиётининг энг қийин босқичида, шу йилларда ўзининг белорусларга хос фазилатларини, янгиланиш, қайта қуриш ғоясига садоқатини кўрсатаётган барча халқини табриклашга рухсат эттайсиз. Бунинг устига белоруслар ҳамиша бўлгани каби ўз садоқатларини асосли равишда вазминлик билан, ҳар бир қадамни ўйлаб намоён этмоқдалар. Кўриб турибман, бу ерда ташвишларингиз кўп бўлса ҳам, юксак даражадаги масъулият туйғуси яққол сезилиб турибди.

Сизларнинг тракторларингиз мамлакатимиздаги энг яхши трактор эканини биласизлар, албатта, бунинг учун сизларга раҳмат, янги машиналарни чиқаришни мўлжаллаётганлигингиз учун раҳмат. Бундай машиналарга, айниқса, қишлоқда амалга оширилаётган улкан ислоҳот муносабати билан эҳтиёж жуда катта.

Менинг қўлимга тутқазишган саволларни қараб чиқаяпман, уларни цехларда айтилган гаплар билан қиёслаб, мамлакатдаги аҳвол тўғрисида қисқача гапириб ўтмаслик мумкин эмаслигини сезиб турибман. Аҳволимиз оғир, жамиятда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий беқарорлик мавжуд, хўжалик алоқалари бузилган. Бутун иқтисодиётимизга хавф кучайиб бормоқда, агар мазкур соҳадаги ишлар барбод бўлса, бу нарса қайта қуриш дастурини рўёбга чиқаришга, сабр-косаси тўлиб турган одамларнинг аҳволи ва турмушига салбий таъсир қилади. Шу сабабли хўжалик алоқаларини тиклаш ва уларга ҳар бир меҳнат жамоаси бемалол ишлашига ва ишни самарали бажариш маҳоратини кўрсатишига имконият яратадиган тус бериш бош масаладир.

Миллатлараро муносабатларда ҳам шундай жараёнлар кечмоқдаки, агар улар тўхтатиб қолинмаса, иқтисодиётдаги беқарорликдан кам бўлмаган даражада хавф келтириши мумкин. Умуман, буларнинг ҳаммаси ўзаро боғланган.

Ҳозирги вақтда биз адашмадикми, 1985 йилга қайтиш керакдур, эҳтимол 1983 йилга қайтиш керакдир, деб сўрашмоқда. Мен бу йилларни тасодифан айтаётганим йўқ. Ҳам сизларнинг олдингиздаги, ҳам барча одамларимиз олдидаги масъулиятимни тушуниб, ишонч билан шуни айтишим керакки, орқага қайтиш, шу йиллар ичида қилган ишларимизни улоқтириб ташлаш эҳтиёжи ҳеч ҳачон бўлмаган эди. Юзаки қарагандагина, ҳаммаси ўшанда рисоладагидек эди. 70-йилларнинг охирида — 80-йилларнинг бошларидаёқ, мамлакатда ишни шу тарзда олиб бориш мумкин эмаслиги аён бўлиб қолган эди. Миллий даромаднинг ўсиши деярли икки баравар камайди ва сўнгра бундай ўсиш бўлмади. Миллий даромад бирлигини ҳосил қилиш учун биз ривожланган мамлакатларга нисбатан бир ярим—икки баравар кўп электр энергия, ёқилғи, металл, цемент сарфладик. Ресурсларнинг таги кўринмай турган пайтда, нефтга талаб юқори бўлган пайтда, меҳнат ресурслари битмастуганмас бўлган даврда шуларнинг ҳисобига бир амаллаб келдик. Табиат ресурсларига келганда, бундай ресурсларни олиш учун қадам етмаган янги жойларга бориш, жуда кўп сарф-харажат қилиш лозим бўлиб қолди. Беташвиш турмуш тугаганди, ҳисоб.

Нефтнинг баҳоси ошганлиги бизни ҳеч нарсага ўргатмади. 70-йилларнинг бошларидаёқ, биз тушуниб етишимиз ва амалга оширишимиз лозим бўлган ишларни Ғарбда жуда тез тушуниб олишди. Улар ишлаб чиқаришнинг бутун структурасини ўзгартириш юзасидан жуда катта ишларни амалга оширдилар. Ҳолбуки, ўша пайтдаёқ фан-техника тараққиёти билан жиддий шуғулланиш керак, деб гапирилар, махсус Пленумга тайёргарлик кўрилар эди, лекин ана шу Пленум бўлмади.

Бунга бошқа сабабларни қўшиб айтаман. Иқтисодиётимиз оғир саноат тармоқлари билан тўлиб кетган, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналаримиз жуда кам. Бу дунёдаги энг кўп даражада ҳарбийлаштирилган иқтисодиёт эди ва мудофаага сарф-харажатлар жуда катта эди. Бунинг устига сиёсий жараёнда нималар юз берганлигини эслатиб ўтаман — корхоналарда, минтақада, республикада нималар қилиш лозимлиги тўғрисида ҳаққоний гапни ҳеч ким айта олмасди. Ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, зиёлиларнинг фикри билан ҳеч

(Давоми иккинчи бетда).

• *17 март—СССР референдуми куни*

ЭТНИ ТИРНОҚДАН АЖРАТИБ БЎЛМАЙДИ

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Тўғрисини айтганда, қалтис, ўта масъул даврни бошдан кечиряпмиз. Қудратли, байналмилал давлатимиз тақдири қил устида турибди, десам муболаға бўлмас. Иттифоқимиз чок-чокидан сўкилиб кетиш хавфининг шарпаси келяпти. Ниҳоятда ҳушёрлик, донолик билан иш кўрадиган, қадимгилар насиҳат қилганларидай, етти ўлчаб бир кесадиган пайт келди. Долзарб бир масала кўндаланг бўлиб турибди: кўз очиб кўрган Иттифоқни сақлаб қоламизми, йўқми?

Беш қўл баравар эмас, бу саволга турлича жавоб эшитяпмиз: бировлар «ҳа!» деяптилар, яна бировлар эса, «йўқ» демоқдалар. Ўн беш жумҳурият раҳбаридан тўққизи «ҳа!» деса, беш нафари «йўқ» деяпти, бири индамай турибди. Фуқароларнинг аксарияти «ҳа!» деса, айримлари «йўқ» деяптилар. Бетарафлар, жавоб тополмай ўйланиб қолганлар ҳам анчагина.

Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида. Ҳамманинг ўз фикри, зикри, ўз дунёқараши, ёруғ дунёда, кишилик жамиятида яшашдан ўз мақсади, манфаати ва ниятлари бор. Шу жумладан биз, ўзбекларнинг ҳам. Биз, ўзбеклар якка яшашга, топганимизни яшириб ейишга ўрганмаганмиз. Бир майизни қирқ киши бўлиб еб, топганимизни ўртага тўкиб баҳам кўришга ўрганиб қолганмиз. Чорак кам бир асрдан бери хазинамиз калитини Иттифоққа бериб қўйиб, қўшни товоққа кўникиб кетганмиз. Иқтисодиётимиз ҳам шунга мослашиб кетган. Олинг, деймизу «беринг!» дейишга андиша қиламиз. «Сангаманга» дейдиган арра ҳам бўлолмаймиз. Табиатимиз шунақа.

Пахта ўзимиздан чиққани билан кийим-бошимизнинг матоси бошқа ёқдан келади. Карвонимизнинг оти бизники бўлгани билан араваси, жабдуғи ўрис биродарларимиз элида. Машинамиз, тракторимизнинг қора мойини Бокудан, Бошқирдистондан оламиз. Темир йўлу ҳаво йўлларимизнинг тизгини Москвада. Шакаримизни украин деҳқони билан ишчиси етиштириб беради. Гўшт-ёғ, қайроқи буғдойнинг бир қисмини қозоқлар юборади. Яйловимиз Қирғизистонда, Зарафшонимиз Тожикистон тоғлари ирмоқларидан лиммо-лим.

Демак, Иттифоққа боши бириккан жамики халқлар чатишиб, чирмашиб кетганмиз. Бундай эт билан тирноқликни ажратиб бўладими? Йўқ!

Бинобарин, Иттифоқимизни ҳам бузиб бўлмайди. Фақат уни янгилаш керак. 17 март куни референдум саволига «Ҳа», деб жавоб берамиз. Куч — бирликда! Ўзбекистон янгиланган федерация Иттифоқида мустақил, суверен қудратли давлат бўлиб юксалмоғи лозим.

БИРЛАШГАН ЎЗАР

«Сиз жумҳуриятимизни тенг ҳуқуқли, суверен жумҳуриятлар Иттифоқи таркибида қолишини истайсизми?» деган саволга мен фақат «ҳа» деб жавоб берган бўлар эдим. Лекин шу нарсани таъкидлаш лозимки, тенг ҳуқуқли, суверен, ўз ички ишларини, шу жумладан кадрлар масаласини ҳам ўзи ҳал қиладиган мустақил жумҳурият сифатида Иттифоққа киришини истайман. Яқин пайтларгача, бу ҳеч кимга сир эмас, жумҳуриятимиз раҳбарлари бир ёқда турсин, ҳатто вилоят раҳбарлари ҳам фақат Москвада махсус «суҳбатдан ўтказилиб», кейингина лавозимига тайинланар эди. Сўнгги кезларда бизга «иш ўргатиш» учун Россиядан келган кадрларни айтмаса ҳам бўлаверади. Наҳотки, ўзбек халқи ўз фарзандларини ўзи танимаса, яхши билмаса. Умуман, бу каби хатоларни тузатиш вақти етди.

Баъзибир рўзномаларда ёки ойнаи жаҳон орқали берилаётган кўрсатувларда: Иттифоққа кирмасдан, мустақил давлат бўлиб яшаса айни муддао бўлади, шунинг учун референдумда қатнашманглар, деган мазмундаги ҳар хил гап-сўзлар бўляпти, хабарлар тарқаляпти. Бундай ҳаракатлар Хоразмда йўқ.

Бошқа гуруҳдаги кишилар: биз Ўзбекистонни алоҳида жумҳурият сифатида эмас, балки бирлашган Туркистон жумҳурияти сифатида мустақил давлат бўлишини истаймиз. Ўрта Осиё жумҳуриятлари бирлашсагина қудратли давлат бўла оламиз, дейишлари мумкин. Шахсан менинг ўзим ҳам Ўрта Осиё жумҳуриятлари бирлашишининг тарафдориман ва ушбу йўлни тўғри, деб ҳисоблайман. Фақат шундай ҳолдагина Ўш фожиалари каби ҳодисаларга ўрин қолмайди. Лекин ана шундай тақдирда ҳам биз фақат Иттифоқ таркибида қолишимиз керак.

Нега? Чунки кейинги етмиш йил давомида Иттифоқимизнинг барча жумҳуриятлари билан иқтисодий алоқаларимиз шу қадар чамбарчас боғланиб кетдики, уларнинг бузилиши халқимизга катта зиён етказади. Бизнинг истиқболимиз тенг ҳуқуқли суверен жумҳуриятларнинг янгиланган Иттифоқидир. Халқимизнинг бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар, деган доно сўзларини унутмайлик.

Б. БОБОЖОНОВ,
Хоразм вилояти Кенгаши ижроия қўмитаси нархлар бўлимининг мудири.

ФАОЛРОҚ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАЙЛИК

1 март куни Тошкентда Бутуниттифоқ референдумини ўтказувчи Ўзбекистон ССР Марказий комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни комиссия раиси Қ. А. Аҳмедов олиб борди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари Қонунда белгиланган муддатларда округ ва участка комиссияларини тузганликлари, улар ишини ташкил этиш юзасидан аниқ тадбирлар кўрганликлари таъкидланди. Комиссиялар бинолар, алоқа воситалари, зарур адабиётлар ва материаллар билан таъминланган. Тасдиқланган режаларга мувофиқ овоз беришга тайёргарликка оид тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ҳамма ерда ҳам тайёргарлик ишлари талабга жавоб бермайди. Бир қанча шаҳарлар ва районларда, участкаларда тегишли пешлавҳалар, плакатлар ва махсус адабиётлар билан таъминлашда сусткашлик қилмоқдалар. Комиссиялар учун ажратилган бир қанча биноларни ремонт қилиш талаб этилади. Оммавий-тарғибот ишлари етарли даражада фаол олиб борилмаётир. Референдумни бойкот қилишга уринаётган бузғунчи унсурларнинг хатти-ҳаракатларига етарлича зарба берилмаяпти.

Марказий комиссия маҳаллий Советлар, округ ва участка комиссияларига барча тайёргарлик ишларини сифатли ўтказиш ва мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан қўшимча тадбирлар кўришни тавсия этди. Аҳоли орасида тушунтириш ишларига алоҳида эътибор бериш зарур.

Мажлисда Ўзбекистон ССР алоқа вазири К. Раҳимовнинг, жумҳурият давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш комитети раисининг Ўринбосари Э. М. Мусаевнинг ўзларига қарашли ташкилотларнинг референдумга тайёргарлик борасида олиб бораётган ишлари тўғрисидаги ахборотлари тингланди. Республика Марказий комиссияси ана шу ташкилотларнинг аниқ вазифаларини белгилаб берди.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Совети раёсати раисининг ўринбосари А. С. Эргашевнинг ахбороти тингланди, вилоятда референдумга тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди. Комиссия бу ерда олиб борилаётган ишларни умуман ижобий баҳолаб, участка комиссияларига эътиборни кучайтириш ва меҳнат жамоаларида, истиқомат жойларида тушунтириш ишларини фаоллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг ўринбосари Б. И. Бугров қатнашди.

(ЎзТАГ).

ИЛМ-ФАН—ПАХТАКОРЛАРГА

28 февраль куни Тошкентда ғўзанинг вилт касаллиги муаммолари билан шуғулланувчи Бутуниттифоқ мувофиқлаштирувчи кенгашининг кенгайтирилган кенгаши очилди.

Нутқларда вилт туфайли мамлакатда юз минглаб тонна пахта нобуд бўлиши, тола ва чигитнинг технология хусусиятлари пасайиши айтиб ўтилди. Ҳозирги вақтда салкам 800 минг гектар экинзор вилтга чалинган. Бу касаллик, айниқса, Тошкент, Бухоро, Хоразм вилоятларида, Фарғона водийсида, шунингдек, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон далаларида кенг тарқалган.

Вилтга қарши кураш усулларини ишлаб чиқишда, ғўзанинг касалликка бардошли навларини яратишда, долзарб муаммони ҳал этишнинг бошқа йўналишларида мамлакатнинг ўнлаб илмий муассасалари иштирок этмоқдалар. Вилтга чалинган майдонларда ҳамма жойда олимлар тавсия этаётган алмашлаб экиш жорий этилган, биологик, кимёвий ва профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Ҳозирги кенгашнинг мақсади — беш йилликда ғўзанинг вилт касаллигига қарши тадқиқотларни янада ривожлантириш йўлларини белгилаб олишдан иборат.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ КОМИТЕТИНИ ҚАЙТА ЎЗГАРТИРИБ, УНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ КОМИТЕТИ (ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОСКООПСНАБИ)ГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида моддий-техника таъминотини такомиллаштириш, хўжалик алоқаларини ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон ССР Давлат моддий-техника таъминоти комитети ва унинг жумҳурият ҳамда вилоят бўлинмалари негизида Ўзбекистон ССР моддий-техника таъминоти давлат-кооператив комитети (Ўзбекистон ССР Госкоопснаби) тузилсин.

Ўзбекистон ССР Госкоопснаби системасининг фаолияти пайчиларнинг якка тартибда ва жамоатчилик асосида аъзо бўлиши, кооператив, давлат, ижара, хусусий ва жамоат ташкилотлари ҳамда корхоналарнинг ва якка тартибда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг кўнгилли равишда қатнашишлари асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон ССР Госкоопснаби шартномавий асосларда Иттифоқ ва жумҳурият давлат, кооператив ва аралаш бирлашмаларига ҳамда уюшмаларига ўзининг тўла хўжалик мустақиллигини ва ҳуқуқий шахс ҳуқуқларини сақлаб қолган ҳолда ихтиёрий равишда кириши ҳам мумкин.

Ўзбекистон ССР Госкоопснаби молиявий-иқтисодий, хўжалик ва ижтимоий фаолиятга алоқадор барча масалаларни мустақил ҳал қилади, банк муассасаларида маҳсулот етказиб берувчилар, истеъмолчилар, пудратчилар, бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш учун пул ва хорижий валюта ҳисоб дафтарчаларини очади, қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлардан фойдаланади.

2. Ўзбекистон ССР Моддий-техника таъминоти давлат-кооператив комитети зиммасига:

халқ хўжалиги (деҳқончилик-саноат комплекси бундан мустасно) тармоқларини, шунингдек давлат, жумҳурият, жумҳуриятлараро илмий-техникавий, экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий дастурларни битимлар, хўжалик шартномалари ва ҳукуматлараро битимлар асосида моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш;

иккиламчи ресурсларни тайёрлашни ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқариш саноат чиқиндиларини оборотга киритиш ва идиш-ўраш маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил этиш;

резерв ва суғурта запасларини ташкил этиш учун республика ресурслари имкониятидан фойдаланган ҳолда моддий-техника ресурсларининг алмашув фондини шакллантириш, бозорни барқарорлаштирувчи жамғармани тузишда қатнашиш, чет элларга ҳукуматлараро битимларга ҳам мувофиқ ҳолда маҳсулот етказиб берилишини назорат қилишни таъминлаш, истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасида юзага келган ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқаларини ўрнатиш ҳамда ривожлантириш;

истеъмол бозорларини моллар билан тўлдиришга ва бозор инфраструктурасини ривожлантиришга, воситачи савдо фирмаларини, тижорат марказларини, мол биржалари ва улгуржи ярмаркаларни, брокер ва лизинг компанияларини тузишга кўмаклашиш;

хорижий фирмалар билан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

3. Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган корхоналарга уларнинг кимга қарашлилигидан ва мулк шакларидан, ишлаб чиқариш-техникавий йўналишдаги маҳсулотларни ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришидан қатъи назар, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун бу маҳсулотларни Ўзбекистон ССР Моддий-техника таъминоти давлат-кооператив комитети органлари орқали сотиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — ресурслар, моддий-техника таъминоти ва шартномалар комплексининг раҳбари ўртоқ Т. Я. Шариповга Ўзбекистон ССР Моддий-техника таъминоти давлат-кооператив комитети тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни икки ҳафталик муддатда вазирлар кабинетига тасдиқлаш учун тақдим этиш топширилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1991 йил 1 март.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон ССР Президентининг эълон қилган Фармони халқ хўжалигини моддий-техника жиҳатдан таъминлашни яхшилашга қаратилган бўлиб, республикада ижтимоий-иқтисодий соғломлаштириш йўлини амалга оширишда изчил ҳаракатдир.

Табиат-иқлим шароитига ва мамлакат минтақаларида иқтисодиёт бир томонлама ривожланганлиги сабабли Ўзбекистон ССР катта миқдордаги ресурс имкониятига эга бўлган ҳолда, илгари мамлакатнинг бошқа минтақаларидан ва чет мамлакатлардан келтирилган хом ашё, материал ва ускуналар ғоят тақчил бўлган шароитга тушиб қолди.

Бутун мамлакатда иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш жараёнида моддий-техника таъминотида халқ хўжалигидаги салбий тамойиллар кучайиши билан боғлиқ жиддий қийинчиликлар юзага келди. Амалда хўжалик алоқалари ҳамон пасайиб бормоқда. Ўзўзидан мол айирбошлаш бозори ривожланмоқда. Тўлов воситалари (пул) эндиликда умумий эквивалент вазифасини деярли бажармаяпти, маҳсулотни ишлаб чиқарувчи асосий корхоналар борган сари тўғридан-тўғри таъмагирлик йўлига ўтиб олмоқдалар.

Республика вазирликлари, идоралари ва корхоналари ўз навбатида гўё «ҳимоя» чораларини кўриб, ишлаб чиқариш моддий ресурсларини деярли тўла тасарруф этиш ҳуқуқини ўзлаштиришга уринмоқдалар ва бу билан хўжалик алоқаларини издан чиқариш жараёнини чуқурлаштирмоқдалар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ва мамлакатда товар муомаласи соҳасида давлат идораларининг ҳукмронлик мавқеини бартараф этиш мақсадида товарлар ҳаракатини давлат йўли билан бошқариш ва назорат қилишнинг таркиб топган марказлаштирилган системасини қайта қуриш бошланди. Марказлаштирилган тарзда тақсимланаётган маҳсулот номенклатураси энг кўп даражада чекланди, маҳсулот етказиб берувчиларни истеъмолчиларга қатъий бириктириб қўйиш системаси аста-секин тугатилмоқда.

Янги шароитда СССР Давлат моддий-техника таъминоти комитетининг мавқеи ўзгартирилиб, у режаларнинг мувофиқлаштирилиши ва уларнинг таъминланиши учун жавобгарликдан ҳалос этилмоқда, воситачилик фаолиятини йўлга қўйиш унинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда, шартномалар тузиш системасига ўтиш билан тақсимлаш ваколатлари ўрнини воситачилик эгалламоқда.

Натура тарзидаги товар айирбошлаш ҳозирча амал қилаётган ва ишлаб чиқариш воситалари товар бозори ривожланаётган шароитда самарали ишлаши мумкин бўлган, айни пайтда товар-пул муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган иқтисодий ва бошқарув тузилмаларини вужудга келтиришни давр қатъий тақозо этмоқда.

Шундай шароитда Ўзбекистон ССР Давлат моддий-техника таъминоти комитети системасини тубдан қайта қуриш

(Давоми иккинчи бетда).

ҚАЙТИШ ҲАМ, ТЎХТАШ ҲАМ ЙЎҚ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

кимнинг иши бўлмади. Буни унутмаслик керак. Нима, биз манқуртлармизми?

Баъзи бировлар, Горбачев ҳокимиятни марказлаштирмоқда, демоқдалар. Бўлмаган гап бу. Ўша пайтда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби қўлидагидан каттароқ ҳокимият ва кўпроқ имкониятлар биронта давлатда бўлган эмас ва бўлмайди ҳам. Ишларнинг аҳволини мутлақо ўзгартириш керак эди. Биз меҳнат унумдорлигини оширишда сакраш қилмоқчи бўлдик. Жадаллаштириш вазифаси ўшандан келиб чиққан эди. Мамлакатимиз машинасозлигини юксалтириш учун унга 10 миллиард сўм сарфладик, бироқ иш чинакамига юришмаётганини, буйруқбозлик тартиботларига, қатъий режалаштириш ва лимитлаштиришга бориб тақалаётганини тез орада кўриб қолдик. Иқтисодий ислоҳотни бошлаш, рағбатлантирувчи омилларни жорий қилиш керак эди. Сиёсий ислоҳотни, Иттифоқни ислоҳ қилишни ҳам бошлаб юбордик. Бироқ бу тадбирларнинг монандлигини, мослигини таъминлай олмадик, буларнинг ҳаммасини бир силсилага қовуштира олмадик. Натижада шундай бўлиб чиқдики, меҳнат унумдорлиги билан иш ҳақининг нисбати устидан назорат йўқолди, капитал қурилишга чиқим камайиш у ёқда турсин, ҳатто кўпайиб кетди. Чала ётган қурилишлар камаймади. Кўп хатоларга йўл қўйдик, аммо бу хатолар учун ўша йилларда мамлакатга, республикаларга бошчилик қилган кишилардан ҳеч ким масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилмайди.

Ҳозир нима қилиш зарур? Модомики, бозор муносабатларига ўтмоқчи эканмиз, тезроқ ҳаракат қилиш керак. Модомики, Иттифоқни ислоҳ қилишга киришган эканмиз, янги Иттифоқ шартномасини тезроқ тузиш, ваколатларни қайта тақсимлаш лозим. Модомики, демократиялаш йўлига ўтган эканмиз, ҳамма иш қонун доирасида тартибга солинишига ва қонунга таянишига қатъият билан интилайлик. Бу жараёнлар қийинчилик билан кечмоқда. Бироқ, агар биз хўжалик алоқаларини маҳкам тутиб турмасак, истеъмол бозоридаги аҳволни яқин ойларда эпақага келтириб олмасак, жуда қаттиқ чоралар кўришга мажбур бўламиз.

Шу муносабат билан 4 март куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида икки ойнинг якунлари юзасидан барча республикалар хўжалик алоқалари, солиқлар, озиқ-овқат ва бошқа соҳалар хусусида имзолаган битим қандай бажарилаётганини кўриб чиқишга қарор бердик. Республикалар Вазирлар Кенгашларининг Раисларини, уларнинг таъминот, деҳқончилик ишлари билан шуғулланувчи ўринбосарларини таклиф этамиз.

Иттифоқни ислоҳ қилишга келганда, биз тўғри йўлдан бораяпмиз, деб ўйлайман. Республикалар ўз суверенитетлари, янги ваколатлар доирасида ўзларини тўла ҳуқуқли хўжайинлар деб ҳис қилишлари керак. Барча республикаларга керак соҳаларгина: мудофаа, энергетика, транспорт, алоқа ва шу кабилар марказ ихтиёрида қолиши керак. Республикалар бу соҳалардаги узилишлар иқтисодиётни бутунлай издан чиқариши мумкинлиги хусусида келишиб олишлари лозим.

Ҳозир республикаларнинг мухтор вакиллари Москва яқинида Федерация Кенгашида айтилган мулоҳазалар ва таклифлар асосида Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси устидаги ишни ниҳоясига етказмоқдалар. Бу ишда Белоруссия делегацияси ҳам қатнашмоқда. Республикаларнинг ўзлари ҳуқуқшунос, социолог ва бошқа экспертлар билан маслаҳатлашувлар натижасида яратган лойиҳанинг биринчи нусхаси тез орада тайёр бўлади, деб ўйлайман. Бу эса бизга ваколатларни тўғри тақсимлаш йўлини топиш ва республикалар билан марказнинг «уруши»ни бас қилиш имконини беради. Бу «уруш» иқтисодий турмушнигина эмас, ижтимоий турмушни ҳам издан чиқармоқда, орага муҳолифлик солмоқда, кўп ташвишга сабаб бўлмоқда.

Хўш, ҳозир республикаларнинг вакиллари ишлаб чиқаётган гоя нимадан иборат? Бу — янгиланган федерация ғоясидир. Бунга ҳамма ҳам рози деб бўлмаяпти. Бироқ, назаримда, бу жараёнда бевосита қатнашаётган республикалар таклиф этадиган ғоя Иттифоқни янгилаш сари қатъият билан силжиш имконини беради. Биз вақтни зое ўтказмаймиз.

Иқтисодиёт, ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлашиши, маданий алоқалар, нуфус нуқтаи назаридан мамлакатимиз асрлар давомида ва кейинги ўн йилликларда қандай таркиб топганини эътиборга оладиган бўлсак, биз ажрала олмаслигимизга ишончим комил. Ажралиш қаршима-қаршиликни шу даражада кучайтириб юборадики, бу нарса катта тўқнашувларга олиб боради. Шу сабабли ваколатларни тақсимлаш, янгиланган Иттифоқ доирасида ҳақиқий суверенитетни таъминлаш йўлидан бориш керак. Бу мақсадга эришса бўлади. 17 март куни бўладиган референдумда одамлар айни шундай фикрни ёқлаб чиқишларига аминман. Референдумни шубҳа остига қўймоқчи бўлиб, ҳатто халқнинг хоҳиш-иродасига хилоф йўл тутаётганлар референдумнинг формуласига шубҳа билдирмоқдалар: гўё бу формула мураккаб, тушунарсиз, деб даъво қилиб, уни соддалаштиришга чақирмоқдалар. Бундай овозлар сизнинг парламентингизда ҳам эшитилмоқда. Хўш, бунинг нимаси тушунарсиз? Гап СССР ҳақида, суверен давлатлар бўлмиш республикаларнинг янгиланган федерацияси ҳақида, барча халқлар, қайси миллатга мансублигидан ва қаерда яшашидан қатъи назар, барча фуқаролар тенг ҳуқуқларга ва имкониятларга эга эканликларига Конституция, Иттифоқ шартномаси кафолат бериши ҳақида бормоқда.

Бу масала мутлақо равшан, деб ўйлайман. СССР Олий Кенгашида бу хусуда ўткир мунозара бўлди. Дарвоқе, мен қандайдир тазйиқ ўтказиляпти, деган шубҳагумонга ўрин қолдирмаслик учун бу мунозарада қатнашмадим. Мамлакатнинг вакиллари бўлган депутатларнинг ўзлари формулани танлаб олишди. Бу — ҳал қилувчи референдумдир. У кучли республикалар ва кучли марказдан иборат бўла оладиган Иттифоқ сари дадил бориш имкониятини очади.

Бозордаги, молиявий соҳадаги аҳвол ҳақида бир неча сўз. Биз тақчилликдан қутилишимиз, бозордаги жазавали жараёнларни тўхтатишимиз керак. Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда, оилаларда оз эмас 100 миллиард сўмлик мол ғамлаб олинган. Яқинда менга Москвадаги бир оилада икки қоп ун ғамлаб олинганини айтиб беришди, бунда ун тез орада айниб қолишини ўйлаб ҳам кўришмаган.

Бундай ҳоллар тез-тез учраб турибди. Ҳеч қандай бозор бунга бардош бера олмайди. Янги нархларга ўтиш, янгича нарх белгилаш ва айни вақтда моллар ишлаб чиқаришни қўлайтириш бундай жазавани тўхтатишга ёрдам беради, аммо дарров бундай қилиб бўлмайди.

Заводда ўртоқлар, мендан чайқов бозорига қарши кураш юзасидан қандай чоралар кўрилади, деб саволлар беришди. Ўйлайманки, иқтисодий чоралар билан бир қаторда маъмурий чоралар қўлланилиши, жиноий жавобгарлик чоралари ҳам кўрилиши керак. Фармонларнинг қатъийлиги учун, гўё ислоҳотга мос келмайдиган чоралар учун маълум доиралар Президентни танқид қилаверсинлар. Ҳа, кейинги ойларда қабул қилинган фармонлар, эҳтимол, рисоладагидек бозорга мос келмас, аммо бозорга ўтиш даврида, мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш керак бўлган бир пайтда бу фармонлар жуда мувофиқ келади. Сизларнинг кўпчилигингиз мана шундай қатъийлик ва мана шундай назорат тарафдори эканлигингизга ишончим комил — бу фикр заводдаги ҳамма суҳбатларда янграб турди.

Энди нарх сиёсатига ўтайлик. Модомики, ҳамма корхоналар бозор муносабатларига ўтар экан, улар ўз маҳсулотини сотиши ва пул ишлаши керак бўлади, энди ҳамманинг олдида, қайси нарх билан сотиш керак, деган савол турибди. Кўпмир одатдаги истеъмол бозорига чиқарилмайди, у асосан корхоналарга юборилади, нефть, аввало, ишлаб чиқариш соҳасида, энергетикада ишлатилади ва ҳоказо. Демак, мен кўмирчи, нефтчи бўлсам, шундай улгуржи нарх керакки, у менинг яшашимга имкон берадиган бўлсин. Биз бўлсак, ҳозирги пайтгача мамлакатда нефтнинг ҳар тоннасига 30 сўм тўлаб, ундан фойдаланиб келдик, ташқи бозорда эса уни 120 долларга сотдик. Мана энди нефтчи тақ-қослаб кўради, кўмирчи, металлург ҳам. Энергия, кўмир, металл бўлмаса, халқ хўжалиги яшай олмайди.

Янги улгуржи нархларни жорий қилиш керак эди. Аммо бу янги улгуржи нархлар мазкур тармоқлардаги муаммоларни ҳал этмади, барқарорлаштирувчи фондларни барпо этишга тўғри келди. Барча корхоналар шартномавий улгуржи нархлардан фойдаланишлари учун имкон бердик, лекин «монополиячилар» истеъмолчиларни шилиб олмасликлари учун улгуржи нархларнинг даражасини белгилаб қўйдик. Шундай қилиб, агар нархлар меъёрдаги рентабелликдан ошиб кетса, қолган қисмининг ҳаммаси бюджетга ўтади. Шу сабабли бу нархларни оширишдан фойда йўқ.

Энди харид нархлари ҳақида. Ҳозир биз колхозлар ва совхозлар етиштирган 100 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотамиз. Уларнинг харид нархларини сақлаб туриш учун эса 137 миллиард сўм сарфлаймиз. Бундай номутаносиблик билан бозорга ўтиб бўлмайди, нарх-навони ислоҳ қилиш лозим. Бунда давлатнинг қандайдир муаммоларини меҳнаткашлар ҳисобидан ҳал қилиш вазифаси қўйилаётгани йўқ. Ёндашув бундай бўлади: озиқ-овқат маҳсулотларига белгиланган нарх қўйилади, тушган пулнинг ҳаммаси аҳолига компенсация тўлашга сарфланади. Тансиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва кузда тилга олинган бошқа маҳсулотлар бундан мустаснодир — булар эркин нархларда сотилади, асосий саноат маҳсулотлари — кийим-кечак, пойабзал, болалар учун моллар ва бошқалар белгиланган нархлар билан сотилади, тушган пулнинг ҳаммаси истеъмолчига қайтарилади. Шундай қилиб, нарх-наво оширилишидан олинган маблағнинг катта қисми компенсацияга кетади ва бу компенсация нарх-наво оширилгунга қадар бошланади.

Сиз қачон, деб сўрашингиз мумкин. Бугун эрталаб чакана нархларга тааллуқли нарх сиёсати қоидаларини белгилашга доир битимни тайёрлаш тугалланди. У Федерация Кенгашида икки ёки уч мажлисдан сўнг ишлаб чиқилди, яқиндагина муҳокама қилинди, яна муҳоҳазалар айтилди. Буларнинг ҳаммаси ҳисобга олинди, энди республика раҳбарларининг имзолашигина қолди. Уни 3—4 кун ичида имзолашни илтимос қилдик. Шундан сўнг муддатларини аниқлаб оламиз. Ўртоқлар менга шартномавий нархлар жорий этилаётганлигини, бу нархлар ошиб бораётганлигини, иш ҳақи масаласини эса ҳеч ким ҳал қилмаётганлигини айтишяпти — буни пайсалга солиш мумкин эмаслиги тушунарлидир.

Нарх-навони нормал изга солиш тўғрисида гапирганда, ҳаммасини бозорнинг ўзи белгилаб берсин, деб биз ҳамма нарсани ўз ҳолига ташлаб қўйишни истамаслигимизни тушуниб олишимиз керак. Бундан ҳеч иш чиқмайди, ўртоқлар. Ана шу жараённи ҳозирча тартибга солиб туриш керак. Бутун воситаларни кўп жиҳатдан республикалар ишга солади, уларнинг ҳар бири ўз хусусиятларини ҳисобга олиши мумкин бўлади.

Бозор сари, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш сари бораверамиз — тегишли Қонун лойиҳаси ҳозир Олий Кенгашда кўриб чиқилмоқда. Бу иш янгича, бошқалардан андоза олинмаган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бозор шароитида кўпдан буён амал қилаётган хўжалик юритиш тажрибасини ўрганиш лозим, лекин мамлакатимизни, воқелигимизни кўра билиш ва шу доирада бозор иқтисодиётига ўтиш масалаларини ҳал қилиш даркор.

Агар бирор киши бозор ҳамма нарсани ҳал қилади, деб ўйласа, бу хатодир. Бозор иқтисодиётида гуллаб-яшнаётган ўн беш-йигирма давлат бор, бундай давлатлар эса юздан ортиқ бўлиб, ҳаммаси ҳам равнақ топаётгани йўқ.

Биз конверсия, товарлар ишлаб чиқарадиган янги қувватларни барпо этиш орқали ўз иқтисодиётимизни инсонга қаратишимиз учун бозор шароитида жиддий структуравий сиёсат ўтказиш лозим. Биринчи навбатда вақт ва маблағ ҳамда, албатта, фан-техника сиёсати, фан-техника тараққиёти зарур. Бусиз ресурслар тежалмайди, меҳнат унумдорлиги ошмайди, сифатли маҳсулот чиқарилмайди. Мана шу йўналишларда олға томон ҳаракат қиламиз.

Мен тушуниб етишларига, бардошли бўлишларига умид қиламан. Бу гаплар фақат сизларга тааллуқли эмас. Шу минбардан, тракторсозларнинг шу залидан туриб, мен мамлакатнинг барча меҳнаткашларига мурожаат қиламан.

Сўнгра М. С. Горбачев завод ишчи-хизматчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

Икки лавозимда: Президент ва Бош котиб лавозимида мен ўзимни қандай ҳис этаётганимни сўрашибди. Иккинчи савол бундай: КПССни қайтадан рўйхатга олишни, партия билетларини алмаштиришни зарур деб ҳисоблайсизми?

Ишончим комилки, мамлакат ва партия турмушининг ҳозирги жуда мураккаб, ўтиш босқичида шу лавозимларни бирлаштириш ҳозирча зарур. Партия ҳам шуни ёқламоқда. Бунинг устига Президент ҳам партиянинг сиёсий мададига муҳтож. Партия шаниба айтилган танқидий гаплар унинг олдин тутган ўрнини ҳам ва ҳозир тутган ўрнини ҳам ўзгартирмайди. Гўё партиянинг умри тугади, у ҳамма нарсага айбдор деган гаплар тўғри эмас. Партия — жамиятимиз барча табақаларининг вакиллари бўлган миллионлаб кишилардир, бинобарин бундай айб қўйиш ирвогарликдир. У умумий иш манфаатларига мос келмайдиган сиёсий мақсадларни кўзда тутади.

Мен ўзимни қандай ҳис этаётганим хусусида эса шуни айтишим мумкинки, иш етарли, ҳар ҳолда меҳнаткашларга, шу жумладан, коммунистларга панд бермаслик учун кучим етганча ҳамма ишни қилаверамаман.

Қайта рўйхатга олиш, партия билетларини алмаштириш мавзусига келганда эса, ҳозирги пайтда энг муҳими — съезд қарорлари, дастурий баёнотлари асосида бошлаган ишимизни олиб боришдан иборат. Партия, коммунистлар оғир кечинмаларни бартараф этиб, фаолроқ ҳаракат қиладиган бўлиб қолдилар. Улар барча даражалардаги Советларда ҳам, меҳнат жамоаларида ҳам қайта қуриш сиёсатини ҳимоя қилиб, дадил гапирмоқдалар, мунозараларда, сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни ўтказишда фаол иштирок этмоқдалар, бу эса ҳокимиятнинг янги идораларига, янгиланиш йўлини амалга ошириш учун масъулият юкини ҳақиқатан ўз зиммасига олган кишиларга ёрдам бермоқда.

Бундай савол берилган: Ленин ўз сафдошлари — Каменев, Зиновьев, Троцкий ва бошқаларга авайлаб муносабатда бўлган. Улар хатоларга йўл қўйишларига қарамай, Владимир Ильич уларни ҳайдаб юбормаган, балки хатосини тузатган. Сиз қайта қуриш йилларида Ельцин, Яковлев, Шеварднадзе, Бакатин, ниҳоят Рижковни четга чиқариб қўйдингиз ўзингиз бунга қандай қарайсиз?

Бу ерда жуда чалкаштириб юборилган. Биринчидан, А. Н. Яковлев Президент Кенгашининг аъзоси эди ва ҳозир ҳам менинг маслаҳатчим. В. В. Бакатин номзодини Хавфсизлик Кенгашига тавсия қилишни кўзда тутаяпман. Н. И. Рижков билан биргаликда биз 1982 йилдан бошлаб ҳаёт жамият олдига қўйган саволларга жавоб излаб катта йўлни босиб ўтдик. Биз дўст эдик ва дўстлигимизча қолаверамиз. Касаллик уни сафимиздан чиқарди. Ҳозир Николай Иванович уйида, у билан яқинда гаплашдик, саломатлиги анча яхши, буёғига нима қилишни ҳал этиш унинг қонуний ҳуқуқи.

Э. А. Шеварднадзени комсомоллик йилларидан биламан. Ташқи ишлар вазирлигига уни мен танлаган эдим. Ўшанда у фақат Иттифоқда эмас, шу билан бирга, айниқса, жаҳонда кўп одамларни ҳайратга солди. Маълум бўлдики, гап халқаро йўналишда қайта қуриш сиёсатини амалга оширишга чиндан ҳам жуда катта ҳисса қўшган инсон тўғрисида борган эди. Унинг қарори — унинг ўз иши. Шахсан мен унинг қарорига қўшилмадим, лекин бу қадар юксак лавозим вазифаларини бажаришга бу одамни зўрлик билан мажбур қилишни ҳам лозим топмадим. Мажбур қиладиган ҳолат эмас. Яқинда Ташқи ишлар вазирлигида гапирганимда мен ўртоқ Шеварднадзе янги вазиятда ҳам қайта қуриш йўлини амалга ошириш учун бундан буёнги курашга ҳам салмоқли ҳисса қўшаверади, деб умид қиламан, дедим.

Ниҳоят Б. Н. Ельцин тўғрисида. Менимча, ҳамма нарсани Горбачев билан Ельцин ўртасидаги шахсий муносабатга боғлиқ қилиб қўйиш ўта соддалаштириш бўлур эди. Шу йиллар ичида Горбачевни бироз ўрганган бўлсаларингиз керак, ҳаммамизнинг фикрини тинглаш учун менда яхши ният, рўй-ростлик ва қарашларнинг кенглиги заҳиралари етарли эканлигини биласизлар Шугина эмас. Президентнинг мавқеи уни тавсия этган ва қўллаб-қувватлаётган ўз партияси билангина эмас, бошқа сиёсий ҳаракатлар билан ҳам, халқимизнинг барча табақалари билан ҳам иш олиб бориш вазифасини юклайди. Коммунистлар буни тушунишлари керак.

Бироқ менга баъзан эътироз билдиришаяпти: бошқа сиёсий ва ижтимоий ҳаракатларнинг вакиллари билан иш олиб бориб, гўёки коммунистларга, партияга хиёнат қилаётган эмишман. Менимча, бу жиддий гап эмас. Бунинг устига партиядаги ҳамма ўртоқлар бундай сектантларча қарашлардан узилкесил қутулишлари керак. Ахир, КПСС ҳокимиятга монополиядан воз кечганлигини ва барча босқичларда мамлакатнинг гуллаб-яшнашидан манфаатдор бўлган барча кучлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини айтди-ку. Мен ана шу нуқтаи назарга қўшиламан ва шундай ҳаракат қиламан.

Шундай қилиб, гап бу ерда шахсан ёқтириш ёки ёқтирмаслик тўғрисида эмас. Гап иккита турли сиёсий йўл ва дастурий мақсадлар ҳақида бормоқда. Тафовут ана шунда. Аввал, улар тактик тусда бўлса (бу ҳақда ўртоқ Ельцин ҳам бир неча бор гапирган эди), эндиликда у менинг назаримда, қайта қуриш мақсадларидан — ҳеч бўлмаганда биз биргаликда ҳаракат қилган мақсадлардан фарқ қиладиган таклифлар билан минбарга чиқди. Шу муносабат билан ҳамма нарса анча мураккаб бўлиб қолди. Мен бугун фан ва зиёлилар вакиллари билан учрашувда бу мавзуни тағин ҳам кенгроқ ёритиб беришга ҳаракат қиламан. Мамлакат коммунистлари, меҳнаткашлари менинг позициямни кутаётганликлари учун ҳам худди шундай қилмоқчиман.

Солиқлар системаси тўғрисида кўп саволлар берилган. Ҳозир биз қилаётган ишлар кўп жиҳатдан фавқулодда вазият билан боғлиқ. Барча республикалар 1991 йилги иқтисодий битимни имзоладилар. Ҳозир сизлар мени ҳатто деворга қисиб қўйган тақдирингизда ҳам, белгиланган солиқ ва молия чораларидан чекиниб бўлмайди. Бу чоралар тақчиллигининг ҳиқилдоғидан тутиш молиявий аҳволни изга солиш учун зарур. Шу сабабли қандай қарорга келинган бўлса, шундай қиламиз. Акс ҳолда яна орқага қайтамиз. Бу қийинчиликни бошдан кечириш ва тезроқ вазиятни қўлга олиш керак. Бир йилга мўлжалланган фавқулодда чораларнинг моҳияти ана шундай. Уларнинг кўп қисми одамларга маъқул келмайди.

Менга бундай ёзишибди: демократия кучлари деб аталган кучлар мавжуд тузумни ағдариб ташлашни расмий равишда айтди, мавжуд тузумни ағдариш эса амалдаги СССР Конституциясига мувофиқ тақиқлаб қўйилган. Шунга қарамай, уларга ҳеч қандай зарба берилмаяпти ва қарши кураш олиб борилмаяпти. Ишларнинг бундай аҳволи эҳтимол мамлакатнинг ҳозирги раҳбариятига мақбул бўлаётгандир?

Жавоб бераман, Конституция доирасида, демократия жараёнлари доирасида сайлов орқали ҳокимият учун сиёсий воситалар билан курашиш нормал ҳолдир. Аммо мавжуд ҳолатда конституциявий тузилмаларга зид келадиган кураш яққол кўриниб турибди.

Конституцияга зид ҳаракатларга биз қатъий қилиб бундай дейишимиз керак: йўқ, бунақаси кетмайди. Халқ турмушнинг яхшиланишини кутмоқда, унинг бошига шундай қийинчиликлар тушди, ана шундай вазиятда одамларни муҳолифликка бошлаш — одамларнинг ҳаётини ҳам, халқ манфаатларини ҳам менсимаслик демакдир. Бундай вазиятда қарама-қаршилик, ўз нафсонияти йўлига ўтган кишилар вабо пайтида зиёфатга берилган кишиларни эслатади. Мен буни кўриб турибман ва ҳамма учун ҳалокатли муҳолифлик сари оғиб кетишга йўл қўймаслик учун Президентнинг ҳамма имкониятларидан фойдаланишга мажбурман. **(Қарсаклар).**

Ташқи сиёсат тўғрисидаги саволлар ҳам бор: «Бизнинг ташқи сиёсий фаолиятимиз барбод бўлди, деб ҳисоблайсизми, чунки ҳозир жаҳонда ким кучли бўлса, ўша ҳукмронлик қилмоқда, ана шундай шароитда мамлакатнинг мудофаа қобилияти пасайиб кетмоқда. Нима учун СССРнинг назарида Ироқ агрессор, БМТнинг Яқин Шарққа доир қарорини бажармаган Исроил эса агрессор эмас? Гренада ва Панамани топтаб ташлаган Америка Қўшма Штатлари нима учун инсон ҳуқуқлари тўғрисида гап сотиб, бошқаларга, шу жумладан, бизга қайси ишни қандай қилишни ўргатмоқда? Позициямиздаги мантиқ ва изчиллик қаерда қолди?».

Ўртоқлар, сўнгги йилларда биз ўтказаётган ташқи сиёсат туб манфаатларимизга мос эканлигига ишончим комил. Мухолифлик, ҳарбий тўқнашув муқаррарлигини тан олган олдинги сиёсат жуда хавфли сиёсат эди, буни кўпгина мамлакатларда тушуна бошлашди. Биз шундай ҳолатга етиб келдикки, дунё портлаб кетишига бир баҳя қолди. Ўз иқтисодиётимизни ҳолдан тойдирдик. Икки ярим баравар кўп ялпи маҳсулотга эга бўлган АҚШ ҳам ана шу қуролланиш пойгасига зўрға бардош берди. Бутун дунё билан урушишимизга тўғри келишига, баъзи мамлакатларни истисно қилганда ҳамма мамлакатларни душман, деб ҳисоблашга асосланган бу ташқи сиёсат қандай сиёсат ўзи?!

Ўз ишларимиз билан шуғулланишимиз учун бизга рисоладагидек ташқи шароит зарурлигига ишониб келганман ва ҳозир ҳам ишонаман, ишларимиз эса кўриб турибсизки, жуда кўп. Биз қуролланиш пойгасидан ҳоли бўлишимиз керак, лекин, ўзўзидан равшанки, мудофаа қобилиятига путур етказмай, қарама-қарши туришдаги баравар даражани пасайтирмай ҳоли бўлишимиз керак. Бунга биз ўртача олислик ракеталарига, оддий қурол-яроғларга ва стратегик ядро қуролларини эллик фоиз қисқартиришга тааллуқли янги шартномаларни имзолаш йўлидан бориш билан эришамиз... Биз барча ривожланган дунё билан нормал ҳамкорлик қилмаганлигимиз, маърифатнинг бошқа қисми ютуқларидан фойдаланмаганлигимиз сабабли кўп нарсани йўқотдик. Худди, шунингдек, нариги томон ҳам кўп нарсани йўқотмоқда. Барча мамлакатларнинг халқлари билан нормал муносабатларни ривожлантириш керак, чунки ядро урушида куйиб кул бўлишни ҳеч ким хоҳламайди. Шу сабабли бизнинг бу сиёсатимиз ана шу бош масалада тўғридир.

Мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти бўшашдими? Йўқ. Шуни айтишим керакки, биз америкаликлар билан тенг кишилар сифатида иш олиб бораяпмиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар нормаллаштирилмаса, жаҳонда кенг миқёсда ҳеч нарса юз бермас эди ва юз бермайди ҳам. Шу сабабли бу жиддий ютуқ. Биз ҳали йўлнинг бошида турибмиз, муносабатларимиз ҳозирча жуда мўрт, улар ҳозир синовдан ўтмоқда, ҳар икки томондан уларни мустаҳкамламоқ даркор — акс ҳолда ҳаммаси барбод бўлиши мумкин. Шу сабабли ташқи сиёсат, шу жумладан, Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасидаги муносабатга тааллуқли сиёсат ҳақида шошма-шошарлик, билан фикр юритмай, жуда масъулиятли бўлиш лозим.

Биз Европа хавфсизлиги сари бориб, қарама-қарши туришни, қуролланиш пойгасини камайтириб, реалистик ҳаракат қилаверамиз. Бу биз учун зарур ва барча халқлар учун зарур.

Ироқ тўғрисида. Биз сиёсий воситалар билан можароларнинг авж олишига йўл қўймаслик ва тўхтатишга қаратилган принципиал йўлга ўтдик. Бу йўлга Афғонистонда, Анголада, Намибияда ўтдик, Камбоджа можаросини ҳал этишга яқинлашиб қолдик ва ниҳоят энг эски ва мураккаб можаро — Яқин Шарқдаги можарога нисбатан ҳам шундай қилишга уринмоқдамиз.

Умуман биз жаҳон ишларини сиёсий воситалар билан ҳал қилишга қодирмизми ёки бундан буён ҳам халқаро муносабатларда куч, бинобарин, кучга таяниш ҳукмронлик қилаверадими — гап ана шу ҳақда бормоқда. Шу сабабли ҳарбий жиҳатдан кучли мамлакат кичик мамлакатга қарши уруш бошлаб, уни босиб олса, агрессор сифатида ҳаракат қилса, бизнинг позициямиз принципиал бўлиши керак. Биз шундай позицияни эгалладик ва унга қатъий амал қилмоқдамиз.

Аммо биз масалаларни сиёсий воситалар билан ҳал қилиш тарафдоримиз ва ҳозир ҳам шу позицияда турибмиз. Айни шу сабабли ана шу кескин кунларда Ироқ билан мулоқотда бўлдик ва бу алоқаларни ҳозир ҳам сақлаб турибмиз. Ироқ президенти Ҳусайн бугун тунда Совет Иттифоқига ўз қўшинларини Қувайтдан олиб чиқиб кетишини билдирувчи телеграмма юборди. Биз бу ҳақда дарҳол АҚШни хабардор қилдик, Хавфсизлик Кенгашидаги вакилимиз Воронцовга Хавфсизлик Кенгашининг мажлисида дарҳол Ҳусайннинг баёноти тўғрисидаги масалани қўйиш ҳақида кўрсатма бердик. Хуллас, принципиал йўлни давом эттириб ҳаракат қилмоқдамиз.

Савол: «Нима учун ҳар ерда ва ҳамма жойда Ғарбнинг турмуш тарзи мақталмоқда, бу хусусдаги холис ахборот қаёққа кетди? Баъзан, у ерда ҳамма нарса шу қадар яхши бўлса, у ҳолда, эҳтимол, биз ҳам уларнинг йўлидан борармиз?»

Биз жаҳон учун очиқ бўлишимиз керак, шунда у ҳам биз учун очиқ бўлади, биз билан ҳамкорлик қиладиган, деб ўйлайман. Биз учун мақбул бўлган ҳамма нарсани олиб, барча ижобий жиҳатларни айирбош қилиш керак. Савдо-иқтисодий муносабатларни, маданият, туризм, спорт, инсоний мулоқотлар соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш зарур. Муаммолар эса ҳамма жамиятларда, шу жумладан, ўша Американинг ўзида ҳам бор, бу ҳақда биз АҚШ Президенти билан бир неча бор гаплашдик. У ерда ҳам таназзул, молиявий қийинчиликлар кучаймоқда, қарз кўпаймоқда. Лекин булар бошқача даражадаги муаммолардир.

Шугина эмас, биз ҳеч нарсадан нусха кўчирмаслигимиз лозим. Биз олдин шундай қилган эдик, бошқаларни ҳам шундай қилишга мажбур этган эдик. Оқибати қандай бўлганини биламиз. Социалистик йўл доирасида қолиб, ҳамкорлик қилишнинг ўзаро манфаатли йўлларини излаш, бошқа халқлардаги барча ижобий жиҳатлардан фойдаланиш керак.

Шу муносабат билан ўзим кузатган бир воқеани айтиб бермоқчиман. Москвада икки Германияни бирлаштириш тўғрисидаги ҳужжат тасдиқланаётган эди. Унда — иккинчи жаҳон урушида ғолиб чиққан мамлакатларнинг тўрт вазири, ГФР ва ГДРдан икки вакил қатнашаётган эди. Расмий нонушта чоғида мендан, айтингчи, ҳозир Совет Иттифоқида нималар бўлаяпти, кейин нима қиласизлар, қаёққа борасизлар, деб сўраб қолишди. Мен тахминан ҳозир сизларга айтгандек жавоб қилдим. Баҳс бошланди. АҚШ Давлат котиби Бейкер бир позицияни айтди, Франция ташқи ишлар вазири жаноб Дюма бошқасини баён қилди, уларнинг ГФРдаги касбдоши учинчи нуқтаи назарни айтди, Буюк Британия ташқи ишлар вазири ҳам муаммони ўзи қандай тушунаётганлигини сўзлаб берди. Қисқа қилиб айтганда, ҳар бир томоннинг ўз танлаган йўли, ўз хусусиятлари, ўз анъаналари, ижтимоий масалаларга, мулкчилик шаклларига ўз ёндашувлари бор.

Хуллас, иқтисодиётда, Иттифоқни ислоҳ қилишда, сиёсий системани ривожлантиришда ўзимиз танлаган ва бошлаган йўлни амалга ошириб, шу йўлдан боришимиз, тажриба орттиришимиз, демократияга, ижтимоий адолатга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига содиқлигимизга асосланиб, ҳаёт тақозо этаётган ўзгартиришларни киритишимиз, анъаналаримизни бошқа мамлакатлар ва халқлардан ўрганиш мумкин бўлган барча қадриятлар билан бойитишимиз ва тўлдиришимиз лозим. Бунда ўз воқелигимизни сўзсиз ҳисобга олишимиз керак.

Равшанки, одамларни яхши турмушга қувлаб киритиб бўлмайди, зўрлаб қувлаб киритиш ҳам мумкин эмас. Нусха кўчирмаслик ва сунъий равишда «моделлаштирмаслик», балки турмушнинг янги шакларини рағбатлантириш учун қонунлар, сиёсат, амалий фаолият орқали шарт-шароит яратиш лозим.

Ўртоқ Павлович пул ислоҳоти бўладими, деб қизиқаяпти. Бўлмайди.

Яна бир савол: мамлакатда тартибсизликлар қачон тугайди? Бу энг асосий вазифадир. Агар жамият беқарорлик ва бошбошдоқлик ҳолатида яшайдиган бўлса, биз ҳеч қандай режаларни, ҳатто энг ишонарли режаларни ҳам муваффақиятли амалга ошира олмаймиз.

Ўртоқ Денисенко сўраяпти: ёшларни иш билан таъминлаш масаласини қандай ҳал этиш кўзда тутилмоқда? Бу масала ёшлар тўғрисидаги Қонун лойиҳасида ўз ифодасини топганми?

Биринчидан, бу хусусда қарорларнинг бутун бир мажмуи, шу жумладан, иш билан таъминлаш тўғрисидаги Қонун тайёрланмоқда. Энг муҳими, малакани ўзгартириш, аввало, ёшларни меҳнатга тайёрлаш системасидир. Бу давлат сиёсати бўлиб қолиши керак, бинобарин, тегишли ҳужжатлар тайёрланмоқда. Бу — катта ижтимоий масала бўлиб, уни биз ижтимоий ҳимоя, компенсация, индексация билан боғлиқ ишлар билан бирга ҳал этишимиз лозим.

М. С. Горбачев трактор заводи жамоасига учрашув учун, самимий туйғулари учун миннатдорчилик билдирди.

* * *

МОГИЛЕВ, 28 февраль (ТАСС). М. С. Горбачев Белоруссияда бўлишининг учинчи куни Могилёв вилоятига сафар қилди. Чернобиль аварисидан кўпроқ жабрланган минтақалардаги ҳозирги вазият билан танишиш давом этмоқда. Президентнинг фикрича, бу ҳамма маънода Белоруссияга сафарининг асосий мақсадидир. Краснополье, Чериков, Славгород, Бихов ва Костюковичи районлари аҳолиси билан бўлган суҳбатларда М. С. Горбачев аҳоли бошига тушган синовлар муносабати билан раҳбарият номидан яна бир марта ҳамдардлик билдирди. Президент Чернобиль фалокати зонасига келганлиги унга авария оқибатларини тугатиш борасида қилинган ишларнинг ҳаммасига аниқ равшан баҳо бериш ва яна қилиниши керак бўлган ишларни режалаштириш имконини берганини айтди. Кўпгина муаммоларни кечиктирмай ҳал қилиш керак, деб таъкидлади давлат бошлиғи, бу ишлар тезда чора-тадбир кўрилишини, мамлакатдаги барча жумҳуриятлар иштирокини талаб қилади. Белоруссия ҳам Россия ва Украинанинг бошқа минтақалари сингари бошига тушган кулфатни енгишда ёлғиз қолмайди.

М. С. Горбачев куннинг иккинчи ярмида вилоят шаҳарлари ва районлари, корхоналари, хўжаликлари ва муассасаларининг раҳбарлари билан, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашди. Бу учрашув Бихов шаҳрида бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА ШАРҲ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

талаб этилади. Хўжалик алоқалари билан маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳукмронлиги ўртасида номутаносиблик рўй бераётган шароитда республика хал

Иқтисодий мустақиллик чорраҳаларида

ҲУНАРМАНДЛАР

ЁКИ БУХОРО ВИЛОЯТИДА МАҲАЛЛИЙ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАРИ

● Хориж фирмалари харидор
● Узоқ яйловлардаги кичик цехлар
● Янги корхоналар солиқдан озод
● Хом ашё юборувчилар панд бермоқда.

Камалакранг гиламлар кейинги пайтда савдо пештахталарида тақчил бўлиб қолди. Бунинг боиси уларнинг кам тўқилаётганида эмас, балки анча сифатли, харидоргир бўлиб қолганида.

Вилоят маҳаллий саноат бошқармасининг Шофиркон гилам тўқиш фабрикаси ўтган йили 12 минг квадрат метр сержило маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, бу йил улар 30 минг квадрат метрни кўзлашмоқда.

Корхона цехларини айланар эканмиз, Эргашой Усмонова, Руқия Фозилова, Шамсия Қандаҳорова, Фароғат Жамолова сингари тўқувчиларнинг маҳоратига қойил қолдик. Улар касб сирларини ёшларга пухта ўргатишмоқда.

Шофиркон гиламчиларининг шуҳрати чет элларга ҳам бориб етди. Америка Қўшма Штатлари, Германия, Саудия Арабистони ихтисослашган фирмалари корхона жамоасига ўзаро ҳамкорлик қилишни таклиф этмоқдалар. Лекин бунинг учун ном ашё ресурслари етишмаяпти. Фабрикани йигирилган тола билан таъминлайдиган Олтариқдаги корхона панд бермоқда.

Яқинда районда маҳаллий саноат бошқармасига қарашли яна бир корхона фаолият бошлади. Бу, саноат ишлаб чиқариш комбинатидир. Унинг директори Анваржон Қодиров тикувчилик ишлаб чиқариши бўйича инженер-технолог. У янги корхона ишини тикувчилик цехини ташкил қилишдан бошлади. Дастлаб Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигидан берилган бинода ўнта тикув дастгоҳини ўрнатиб, чойшаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Кўп ўтмай бу ерда бичиқчилик, қандолатчилик, консерва тайёрлаш, ёғочсозлик цехлари очилди — комбинат вужудга келди. Охунбобоев номли, Файзулла Ҳўжаев номли, Ленин номидаги жамоа хўжаликларидаги уй бекаларидан 120 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди.

Кейинги бир йил мобайнида вилоят шаҳар ва қишлоқларида бундай комбинатлардан 17 таси ташкил қилинди. Уларга 1400 киши ишга жалб қилинди. Буларнинг деярли ярмини касаначилар ташкил қилади. Айниқса, узоқ яйловлардаги қоракўлчилик хўжаликларида кенг истеъмол буюмлари цехларининг вужудга келтирилаётгани эътиборга лойиқ.

Чунончи, Пешку районининг «Жонгелди» давлат хўжалигида пўстин тикиш цехи очилди. Зеро, бунинг учун зарур хом ашё шу ерда етиштирилади. Бундай маҳсулотнинг истеъмолчилари ҳам чўпонлардир. Энг муҳими, чорвадорларнинг оила аъзолари учун ҳам юмуш топилди.

Маҳаллий саноатчилар кейинги даврда шаҳар ва қишлоқларда касб сирларини унутмаган халқ амалий санъати усталарини изламоқдалар, топмоқдалар, ишга жалб этмоқдалар. Яқинда вобкентлик машҳур кулоллар уларнинг сафларига қўшилишди. Энди заргарлар, мисгарлар, чилангарларни ҳам ишга жалб қилиш тадбирлари кўрилмоқда.

— Буларнинг ҳаммасига жумҳурият ҳукумати халқ амалий санъатини қайта тиклаш учун шарт-шароитлар яратиб бераётгани туфайли эришилди, — дейди вилоят маҳаллий саноат бошқармасининг бошлиғи Б. Насриддинов. — Янгидан ташкил қилинган корхоналар иқтисодиётини тиклаб олиши учун икки йил даромад солиғидан озод қилиндилар. Халқ усталарига улар тайёрлаган маҳсулот қийматининг ярмигача тўлашга рухсат берилди...

Бошқарма бошлиғининг ташвишлари ҳам анча ошиб кетгани шубҳасиз. Икки йил муқаддам бошқарма ҳисобида атиги 6 корхона бор эди. Ҳозир уларнинг сони 27 тага етди. Бу жараён давом этмоқда.

Одатда ташвишлар ҳал қилинмаган муаммолардан пайдо бўлади. Янги корхоналар асосан маҳаллий хом ашёдан фойдаланишлари лозим. Вилоятдаги айрим корхоналар бўлса хом ашёни маҳаллий саноатчилар билан баҳам кўришга кўзлари қиймаяпти. Жумладан, мамлакатдаги кўпчилик енгил саноат корхоналарини сунъий тола билан таъмин этаётган «Наво ноазот» бирлашмаси раҳбарлари шундай йўл тутишмоқда. Бирлашма мавжуд қувватлар ёрдамида маҳаллий саноатчилар аҳолидан харид қиладиган жундан тола йигириб беришдан бош тортмоқда. Ваҳолонки, бу жундан тўқиладиган маҳсулотга навоийлик кимёгарлар ўртасида ҳам эҳтиёж катта. Бирлашма Иттифоққа бўйсунувчи корхона бўлгани учун унинг раҳбарлари жиловини тортиб қўядиган киши топилмаяпти.

Шундай бўлишига қарамай, маҳаллий саноатчилар тармоқ фаолияти учун кенг йўл очиб бермоқдалар. Свердлов районида пойабзал ишлаб чиқариш, Қоракўлда чарм хом ашёсига дастлабки ишлов бериш, Томдида намат тўқиш, Зарафшонда пўстин тикиш цехларини очишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

1991 ЙИЛ—ЎЗБЕКИСТОНДА АЛИШЕР НАВОИЙ ЙИЛИ

УЛУҒ АЛЛОМАГА БАҒИШЛАБ

Шу кунларда республикамиз жамоатчилиги ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб турли тадбирларни ўтказмоқда ва шу йилнинг куз фаслида бўлиб ўтадиган катта маъракага қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Кеча Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бу санага атаб ўтказилган «Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари» мавзуидаги илмий анжуман ҳам ана шу тадбирларнинг бири бўлди.

Анжуманда институт директори, тарих фанлари доктори, профессор Қ. Фозилхўжаев, Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг академиги М. Хайруллаев, педагогика фанлари номзоди, сектор мудири И. Абдуллаев, педагогика фанлари доктори профессор, сектор мудири А. Зуннунов, филология фанлари номзоди, катта илмий ходим А. Абдураҳмонов, биология фанлари номзоди, доцент, сектор мудири Т. Усмонхўжаев, илмий ходим К. Қиличева маърузалар қилдилар. Улар улуғ аллома Алишер Навоий яшаган XV асрда ижтимоий-фалсафий дунёқарашнинг шаклланиши, ҳозирги даврда ёш авлодни баркамол тарбиялашда мутафаккир асарлари ва ижодиётининг тутган катта ўрни, бобокалон шоиримизнинг улуғ тожик шоири Абдураҳмон Жомий билан олиб борган ижодий ҳамкорлиги ва бошқа мавзуларда гапирдилар.

Анжуманда ўз маърузаси билан қатнашган филология фанлари доктори, профессор, катта илмий ходим Абдузуҳур Абдуазизовнинг келтирган далиллари барча китобхонларда қизиқиш уйғотади. У кўп йиллардан буён Алишер Навоийнинг туғанмас ижодини ўрганиш борасида жаҳоннинг АҚШ, Канада, Франция, Англия, Олмония каби қатор мамлакатларида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ва Алишер Навоий асарларининг инглиз, фаранг, олмон тилларига таржима қилиниши борасидаги хайрли ишларни ўрганмоқда. Олим қуйидаги янгиликни гапириб берди.

— Шу кунларда Франция шарқшунослари Алишер Навоий асарларининг беш жилддан иборат қуллиётини нашрга тайёрламоқдалар. Ундан ўрин оладиган шоир асарларини таржима қилишга бу мамлакатнинг энг кўзга кўринган шарқшунос олимлари Ф. Белен, Паве де Куртей ва бошқалар қатнашганлар. Бу куллиётларда «Хамса»дан парчалар, «Махбубул қулуб» ва «Муҳокаматул луғатайн» асарлари ўрин оляпти.

Яқинда мен Афғонистондан ажойиб бир китоб олдим. Уни афғон олими Равон Фарҳодий яратган. Китоб инглиз тилида ҳозирланган бўлиб, унда Алишер Навоий асарларининг рўйхати берилган. Бу китобда асарларнинг кўпчилиги туркий ва форсий тилларда яратилганлиги кўрсатиб ўтилади. Улар орасида «Мунажот» деган китоб диққатни жалб этади. Мутафаккирнинг бу асари диний ва ахлоқий оятлардан тузилган гўзал пандномадир. Қўлёзманинг асли Туркияда бўлиб, у Огоҳ Сирри Леванд томонидан нашр этилган. Бундан ташқари бу асарлар рўйхатида «Пандномa» деб номланган насиҳатлардан иборат тўплам ҳам қайд этиб ўтилган. Шундай қилиб, Афғонистондан олинган инглиз тилидаги бу ноёб китоб жаҳон навоийшунослиги ҳазинасига қўшилган ўзига хос муносиб дурдонадир.

А. ПУЛАТОВ.

ТИЖОРАТ ДЎКОНИ: ФОЙДАСИ КИМГА?

Тижорат дўконларининг очилиши анчадан буён кутилаётган бозор муносабатлари даракчиларидан дейиш мумкин.

Азалдан одатга айланган: одамлар атроф-муҳитдаги белгиларга қараб фасларнинг қандай келишини айтиб беришади. Дарахт яп-роқлари учидан тўкилганда қиш аёзли бўлади. Қалдирғоч пастлаб учса ёмғир ёғади ва ҳоказо. Тижорат дўконларидаги моллар баҳоси ҳам истиқболдаги нарх-навонинг бироз эмас, балки анча-мунча қимматлашишини кўрсатиб турибди.

Ростини айтганда буни қўпчилик кўкламнинг илк даракчиси — бинафшани кўргандай хурсанд бўлиб кутиб олгани йўқ.

Урганч шаҳридаги тижорат дўкони. Одамлар тирбанд. Турган молларнинг нархи осмонда. Буни ҳаммаларнинг ҳам ҳамёни кўтармайди. Аёллар этиги 400 — 500 сўм, эркаклар туфлиси 250—300 сўм.

— Савдо ёмон эмас, — дейди директор О. Бекмонов. — Дўконимиз очилганига бир ойдан сал ошди. Шу вақт мобайнида бир миллион сўмдан кўп савдо қилдик. Ҳозир мебель бўлимини очяпмиз. У ишга тушгач, бу кўрсаткич кескин кўтарилиши кутиляпти.

— Биз ҳам тижорат дўконлари сонини кўпайтириб боряпмиз, — дейди Хоразм вилояти матлубот жамияти бошқаруви раиси Комил Эшчонов. — Айни пайтда 14 дўкон ишлаб турибди. Улар қисқа вақт мобайнида 3 миллион сўмлик савдо қилишди. Унинг 2 миллиони жумҳурият бюджетига ўтказилди. 5 фоизи дўконларнинг ўзига қоляпти.

Шу ўринда бир қатор саволлар туғилади. Нима учун хоразмлик харидорлар чўнтагидан олинаётган пуллар Тошкентга жўнатиляпти? Ундан кимлар манфаатдор?

— Асло бундай эмас, — дейди К. Эшчонов. — Тижорат дўконларидаги савдодан тушаётган пулларни жумҳурият бюджетига ўтказишдан мақсад эртанги кунни ўйлаб иш юритишдир. Яқин кундами, сал кейинроқми, барибир бозор муносабатларига ўтамиз. Нархнаво ошади. Шундай пайтда кам даромадли оилалар, пенсионер ва талабаларнинг аҳволи қандай кечади? Жумҳурият бюджетига ўтказилаётган тижорат савдоси пуллари ана шу пайтда улар аҳволини яхшилашга сарфланади. Кўриниб турибдики, пировард натижада мазкур дўконлардан тушаётган фойдадан халқнинг ўзи манфаат кўради. Биз савдо ходимларига ёки ҳукуматга бундан ҳеч қанақа фойда қолмайди. Дўконларда қолаётган беш фоиз даромад ходимларнинг иш ҳақига, турли хилдаги тўловларга, жорий ремонт ишларига сарфланади. Чунки уларнинг ҳаммаси хўжалик ҳисоби асосида иш юритяпти.

Тижорат дўконлари — бозорнинг илк даракчилари дедик. Қайд этиш керакки, улар фаолиятига эҳтиёж зарур ёки нозарурлигини ҳам бозор шароити кўрсатади. Бугунги кунда дўконлардаги молларга нарх-наво пойтахтдаги мутасадди идоралар томонидан белгиланяпти. Буни ҳам ҳозирги вазият тақозо этаётгандир. Лекин жойлардаги мутахассиларнинг фикрича, бу бир қатор муаммоларни туғдирмасдан қолмаяпти. Масалан, Японияда тайёрланган газмолларнинг бир метрига 150 сўм нарх белгиланган эди. Харидорлар олишмади. Орадан кўп ўтмай, у 120 сўмга туширилди. Барибир бу газмолга талаб кам. Урганч тижорат дўкони маъмурияти шаҳар ва вилоят ижроия қўмиталари унинг нархини харидорлар эҳтиёжига қараб пасайтира олмайди. Аввалги тарздагидек бу ерда махсус комиссия тузилиши, унинг хулосаси жумҳурият Савдо вазирлигига жўнатилиши лозим. Газмол нархини қанча тушириш ёки туширмасликни вазирлик ҳал қилади. Масала ҳал бўлгунча вақт ўтади. Бозор шароитида ҳар бир фурсат ғанимат. Бу нақд пулни йўқотиш дегани.

Шунга ўхшаш мисоллар кўп. Мутахассисларнинг фикрича, бу масалаларда маҳаллий идораларга ҳам ишонч билдирилса, эркинлик берилса айни муддао бўларди.

Ёки бошқа бир муҳим муаммо. Бу кўпларни ўйлантириб турибди. Маълумки, туман, вилоят савдо ташкилотлари ҳар йили хорижий мамлакатларга турли хилдаги хом ашёларни жўнатиб, ўрнига озиқ-овқат маҳсулотлари, буюмлар, саноат моллари олишади. Хоразм вилоятида бу борада мазкур йил учун 3 миллион сўмдан ортиқроқ маҳсулотга шартнома имзоланган. Ҳозир ушбу йўналиш бўйича олинаётган аксари маҳсулотлар тижорат дўконлари орқали сотилаётган экан. Вилоят матлубот жамияти ходимлари бу ҳолни ташвиш билан гапиришди. Улар қанча меҳнат қилишиб, тўсиқларни енгиб чет элга маҳсулот жўнатишган эди. Эндиликда улар мевасидан маҳрумликнинг дастлабки фактларидаёқ кўнгилларини ранжитяпти.

— Ўзаро шартнома асосида хориждан олиниши лозим бўлган маҳсулотларнинг 25-30 фоизи тайёрловчиларнинг ўзига берилади, деб юқорининг мутасадди идоралар ваъда беришган эди, — дейди К. Эшчонов. — Афсуски, ҳозиргача бу масала ҳал этилмади.

Ноаниқлик шубҳа гумон туғдиради, яхши ишларнинг сусайишига олиб келади. Савдо вазирлигининг яна бир кичик нуқсонга йўл қўйганлиги бунинг яққол далили. Шу пайтгача тижорат дўконларида капиталистик мамлакатларнинг маҳсулотлари сотилаётган эди. Яқинда социалистик мамлакатларда тайёрланган айрим молларни ҳам мазкур дўкон орқали пештахтага чиқаришга кўрсатма берилди. Таажжубли саволлардан, сўровлардан кейингина вазирлик ходимлари бундай аҳволнинг такрорланмаслигига ваъда беришди.

Манфаатини халқ кўрадиган ҳар бир иш хайрли ҳисобланади. Хайрли ишлар дилларни ранжитмаслиги керак.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БУЮРТМАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Тошкентдаги «Миконд» заводида электроника саноати учун маҳсулотлар тайёрловчи цех ташкил этилганига бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу давр мобайнида цех жамоаси замонавий жиҳозлар ишлаб чиқаришни пухта ўзлаштириб, уларнинг турларини кўпайтиришга ҳаракат қилишди.

Эндиликда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларга истеъмолчилар талаби ошиб бормоқда. Масалан, биргина конденсаторлар кейинги пайтда медицина қурилмаларида, видеомагнитафонлар, магнитафон ва ҳисоблаш техникаларида кенг қўлланиляпти.

Очиғи, цех аҳлининг у ташкил этилгандан буён ижарада ишлаётгани самара келтирмоқда. Улар бошқаришдаги, меҳнатга ҳақ тўлаш ва истеъмолчига бевосита чиқишдаги эркинликлар туфайли технологик жараёнларни аниқ белгилаб олиб, ишлаб чиқаришга муҳим ўзгартишлар киритишяпти.

Айни кунларда цех ишчилари маҳсулотнинг янги тури — рангли телевизор ва дисплейлар учун резисторлар тайёрлашни йўлга қўйишди. Ҳозир янги маҳсулотга Иттифоқимизнинг турли бурчакларидаги заводлардан буюртмалар тушмоқда.

СУРАТДА: ўз касбининг устаси Шарофат Йўлдошева шу цехда ишлайди.

А. ГОРОКРИК (ЎзТАГ) олган сурат.

Сондан—сонга

НОМУС

Нуқтаи назар

О. Г. ЧАЙКОВСКАЯ.

Сиғиниш онгининг такрорланувчи жиноятлари ҳақида «бемаврид» ёзилган мақола

Уни «тез ёрдам» машинасида касалхонага олиб кетишди (бу ерда уни қабул қилишди. Айтишларича, бошқа ҳолларда врачлар агар кишини калтаклашган бўлса, қўрқанларидан уларни шифохонага ётқизишдан бош тортишарди). Мақсуд касалхонада ётиб вилоят прокуророига ҳаммасини ёзиб юборди. Прокурор ўзида жасорат топиб, жиноий иш қўзғади. Экспертиза Мақсуднинг кўп жойи кўкарганлигини, моматалоқ бўлганлигини аниқлади. Бироқ иш шу билан тўхтаб қолди. Барча ҳужжатларни Гдлянга юборишди. Ҳали яхши тузалиб кетмаган Мақсудни Иванов қамоққа олди. Энди уни яна таҳқирлаб, мени терговчилар эмас, амаким Ш. дўппослади, деб кўрсатма беришни талаб қилишди. Шундан сўнг амакисини чақириб калтаклашди. Мақсуднинг инисидан ҳам, шу оиладаги аёллардан ҳам юқоридагидек кўрсатма беришни талаб қилишди.

Гдлян-Иванов ўйлаб топган ривоят кишини таажжублантирмасдан қўймасди. Чунки амакиси бошқа шаҳарда яшар ва айни пайтда бюллетенга чиққан эди. Шу боис Мақсуд унинг олдига боролмаслиги аниқ эди. Боз устига калтакланган Мақсудни ишхонадагилар кўришган ва у ўртоқларига кимлар томонидан дўппосланганлигини айтиб берган эди. Бироқ буларнинг ҳеч қайсиси бир пулчалик инобатга олинмади. Бутун оила — ҳамма якдил бўлиб, Мақсудни амакиси (шу жумладан, амакининг ўзи ҳам) калтаклаган, деб тан олишди. Иванов Мақсудни дастлабки тарзда ҳибсга олиш камерасида сақлаб турганда (у уч кундан ортиқ ушлаб туриш мумкин бўлмагани ҳолда икки ой сақланди), отаси қаттиқ оғриб қолди, қариндош-уруғлари терговчилардан ўғлини қўйиб юборинг, отаси билан видолашиб қолсин, деб тоза ёлворишди. Илтимослари ўтмади, отаси вафот этди. Ота ва бола шу тариқа охирги марта бир-бирларини кўра олмадилар, дейишади оиладагилар. Мақсудни отасининг дафнига ҳам қатнашишга рухсат беришмади. Гдлян Хинтни ҳам хотини ўлганда қўйиб юбормаган эди. Кейинчалик оқланган Ҳайитовга ҳам рухсат берилмаган эди. Мақсудни қай тарзда қамоққа олган бўлсалар уни шунчалик кутилмаганда қўйиб юбордилар. Унга кичкинагина справка бердилар. Унда Мақсуд фалон жойда бўлди, озроқ ушлаб турилди, ҳамма гап шу, мазмунида ёзилган эди. Делони эса «бўри ўрасига» жўнатишди. Агар ҳушёр кишилар бўлмаганда, улар бу «Дело»ни битталаб топиб йиғишмаганда эди, у ҳам мазкур «Ўра»да йўқ бўлиб кетармиди? Чунки ўша никоҳ узуги, зирак, тўйга келган совғалар каби йўқ бўлиб кетиши турган гап эди.

«Ўйнаб турган пичоқлар» усули мана шундан иборат. Пичоқ терговчи қўлида ўйнайверади, айбдорни жазолайди, агар у бегуноҳ бўлса, бу унчалик аҳамиятли эмас, чунки уни «айбдорга» чиқариш қийин эмас. Эҳ, бу бадбахт пичоқлар қанчаданқанча одамларни бадном қилди, қанчадан-қанча одамларни майиб-мажруҳ қилди.

...Оддий турар-жой биносининг 4-қаватидаги оддий квартира деразасидан ичкарига боқаман. Унда кроватлар, тошойна, тагкурси бор. Аммо шуниси ажабланарли эдики, уларда ғалати буюмлар: сирка солинган шиша ва ҳуқуқшунослик бўйича китоблар турарди. Яна бир ғалати ҳолат — ошхонада қуролланган солдатлар ва соқчи бор эди. Кроватда ётган баланд бўйли, бақувват, чиройли бир киши қаердалигини ва бу ерга нима учун олиб келинганлигини биролмай ҳайрон. Уни сўроққа прокуратурага олиб кетишади ва яна қайтариб шу ерга олиб келишади.

У ухлай олмайди. Қандай қилиб ҳам мижжа қоқсин? Кўчада кетаётганида қўлга олишди. Уйида эса болалари кўзлари нигорон бўлиб кутаётгандир. Икки йил аввал хотини ўлган. Тўртта бола билан бир ўзи қолган. Болаларига ҳам ота, ҳам она. Уйида ҳозир бири ўн яшар, иккинчиси — етти яшар икки ўғли бор. Қолган иккиси эса бувисиникига кетган эди. Демак, уни кундузи ҳам, туни билан пойлаб чиқишган. Мана, бугун бу ерга келиб қолганига уч кечаю уч кундуз бўляпти. Болаларига ким овқат бераётганикин, уларни ким бағрига олганикин? Афсуски, ҳеч ким уларга овқат ҳам бермаган, дардларига малҳам ҳам бўлмаган. Болалар ўзлари у-бунн тайёрлаб ейишган, мактабга қатнашган. Битта-яримтага, отамиз йўқолиб қолди, дейишдан қўрқишарди. Комилжон ақлдан озаёзди.

Уни ташвишга солаётган яна бир нарса бор эди. Бу йил муз кўчиш хавфи кучайган, катта-катта музликлар кўчма кўприкларни бузиши, ҳатто дамбани ёриб ўтиши мумкин эди. Унда фалокатнинг олдини олиш қийин бўлади. У инженер эди. У соҳилни муҳофаза қилиш дамбаларини ва шохобчаларни тартибга солувчи иншоотлар бошқармаси бошлиғи бўлиб, ҳозир унинг ўрни мана шу хавф-хатар кутилаётган жойда бўлиши керак. Усиз бир иш қилишлари қийин. Комилжон эса бу ерда, бегона квартирада.

Эртасига яна сўроққа олиб боришди. Терговчилардан К. И. Пирҳцхалава ва Н. Иброҳимов (СССР прокуратурасида Гдлян гуруҳини байналмилал группа деб жуда фахрланишарди) ундан қимматбаҳо буюмларни топширишни яна талаб қилдилар. Уни сенга сақлаш учун қариндошинг берган, агар топширмасанг сенга нисбатан жиноий ишни тўқиб чиқарамиз, деб яна қўрқитишди: «Билиб қўй, қўл остингдаги ходимлардан наҳотки сенга қарши кўрсатма берадиган иккита одамни тополмайдилар деб ўйлайсан». Тушликдан сўнг Гдлян келиб, у ҳам қиммматбаҳо буюмларни талаб қилди. Комилжон, менда ҳеч қандай бойлик йўқ, деб айтганда у ўрнидан туриб енг шимардида қўлини пахса қилиб: «Уни ертўлага ташланг, маҳшаргоҳ нималигини бир кўриб қўйсин», деб буюрди. Гдлян чиқиб кетгач терговчилар бешбаттар қутуришди. Тўғри, улар Комилжонни уришмади, терговчи муштини кўтарган эди, Комилжон ҳам муштини кўтарди. Ахир, уни бошқа усул турганда уриб нима қилишади? Иброҳимов: «Болаларингни Колимага жўнатиб юборамизлар» деб телбаларча қичқирди. Уни ўша тошойнали ва соқчили квартирага яна олиб келишди. У офицерга, болаларимдан жуда ҳавотирдаман, деб шикоят қилганида зобит мурдадек жим тураверди. Яна унинг фикр-хаёлидан «Колима» кетмасди. Хўш, кап-катта одамни куппа-кундуз куни ўғирлаб номаълум жойга яшириб қўйган одамлар нима учун ёлғиз қолган болаларни қўлга ололмайдилар?!

Бу пайтда бошқармада нима қиларларини билишмасди. Фалокат юз берган, Амударё дамбани ёриб ўтиб, бутун бошли ноҳияни сувга бостирган эди. Шундай пайтда бошлиқ бўлмаса-я! Уни қидиришди, милицияга хабар беришди. Тўхтовсиз сўроқлардан ҳоли тойган, соқол-мўйлови ўсиб кетган, афтодаҳол бошлиқ эса бу ерда. Агар болалари бўлмаганида у мана шу 4-қаватдаги машъум квартирадан ўзини ташлаган бўларди. СССР прокуратураси Гдлян гуруҳи иши бўйича олиб борган текшириш натижасида мазкур квартира аниқланди. Соқчи ҳам, бу квартирада ушлаб турилган маҳбуслар ҳам аниқланди. Улар орасида кўпгина хотин-қизлар, шу жумладан, кўп болали аёллар ҳам бор экан. Айтишларича, бир Қаҳрамон она ҳам шу ерда «меҳмон» бўлган экан. Хуллас, «ўйнаб турган пичоқлар» исталган одам кўкрагига санчилиши мумкинлигига энди ҳеч кимда шубҳа қолмаганди.

Бир куни кечаси бу ерга роса калтакланган Комилжоннинг укасини олиб келишди. У ётган жойида инграр, қўли билан қорнининг жигар томонини ушларди. «Мени тепишди, ўлдириб қўйишларидан қўрқдим», деди у кейинчалик.

Сўнгра иккаловларини ҳам бирданига озод қилиб юборишди. Тўғри, Комилжонга ҳеч қандай справка беришмади. Сўраганларга касал бўлдим дейсан, деб тайинлашди. Хэппи энд.

Қўлимда фотосурат турибди. Унда асфальтда юз тубан ётган эркак киши тасвири. Тагидан катта қора доғ аста-секин оқиб борарди. Иккинчи суратда деразали, эни ҳам, бўйи ҳам икки метрли қазноқ акс эттирилган. Унда иккита стул бўлиб, спорт буюмларини сақлашарди. Ҳозир мазкур иш хусусида турли-туман фикрлар билдириляпти. Аммо биз бир нарсани биламизки, ярим тунда Маҳмуд Мирзабоевнинг уйига бостириб кириб, уйқусидан уйғотишган (у онласини охирги марта кўриб турган экан). Давлат хавфсизлиги комитети биносига олиб келиб, сўроқ қилишган. Маълум бўлишича, айнан Гдлян шу қазноққа қамаб қўйган. Дастлабки кўрсатмаларга кўра, гўёки уни тунаш учун ҳовлидаги машинада қолдиришган эмиш. Кейинчалик қоровул уни кечасиёқ қазноққа қамашганини ва у тонгга яқин деразадан ўзини ташлаганлигини айтган. Дарвоқе, жумҳурият прокурори А. В. Бутурлин Гдлян билан айнан шу жойда биринчи марта сан-манга бориб қолди. Прокурор, бу ўз-ўзини ўлдириш воқеасини яшириб келган шимардида қўлини пахса қилиб: «Уни ертўлага ташланг, маҳшаргоҳ нималигини бир кўриб қўйсин», деб буюрди. Гдлян чиқиб кетгач терговчилар бешбаттар қутуришди. Тўғри, улар Комилжонни уришмади, терговчи муштини кўтарган эди, Комилжон ҳам муштини кўтарди. Ахир, уни бошқа усул турганда уриб нима қилишади? Иброҳимов: «Болаларингни Колимага жўнатиб юборамизлар» деб телбаларча қичқирди. Уни ўша тошойнали ва соқчили квартирага яна олиб келишди. У офицерга, болаларимдан жуда ҳавотирдаман, деб шикоят қилганида зобит мурдадек жим тураверди. Яна унинг фикр-хаёлидан «Колима» кетмасди. Хўш, кап-катта одамни куппа-кундуз куни ўғирлаб номаълум жойга яшириб қўйган одамлар нима учун ёлғиз қолган болаларни қўлга ололмайдилар?!

Бу пайтда бошқармада нима қиларларини билишмасди. Фалокат юз берган, Амударё дамбани ёриб ўтиб, бутун бошли ноҳияни сувга бостирган эди. Шундай пайтда бошлиқ бўлмаса-я! Уни қидиришди, милицияга хабар беришди. Тўхтовсиз сўроқлардан ҳоли тойган, соқол-мўйлови ўсиб кетган, афтодаҳол бошлиқ эса бу ерда. Агар болалари бўлмаганида у мана шу 4-қаватдаги машъум квартирадан ўзини ташлаган бўлмоқдалар. Ўзини ташлаганлигини ҳам, ҳеч қандай ҳуқуқ ва имтиёзлар ҳеч кимга ҳеч нарсани ваъда қилмаганлигини ҳам,

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Жорж Буш Оқ уйда Ироқ ҳукумати ўт очишни тўхтатиш шартлари тўғрисида музокаралар бошлашга розилик билдирилганини маълум қилди.

Маъмурият бошлиғи Оқ уйда Қувайтнинг АҚШдаги элчиси билан бўлган учрашув чоғида Бағдод «Ўт очишни тўхтатишнинг ҳарбий жиҳатларини ишлаб чиқиш мақсадида иттифоқ вакиллари билан учрашиш учун ҳарбий қўмондонлик вакилларини тайинлашга розилик бергани»ни таъкидлади. У кўп миллатли кучлар қўмондонлиги учрашув жойи ва вақтини белгилаш учун Ироқ қўмондонлиги билан дарҳол алоқа боғлашини хабар қилди. Маълумки, пайшанба куни Президент Қувайтни озод қилиш учун олиб борилаётган урушдаги ҳужум ҳаракатлари тўхтатиб турилишини эълон қилган эди.

Ж. Бушнинг гапларига қараганда, музокаралар чоғида кўплаб масалалар, аввало ҳарбий асирларни қайтариш, Қувайтнинг ва бошқа мамлакатларнинг ушлаб қолинган фуқароларини озод қилиш тўғрисидаги масала муҳокама қилиниши керак бўлади. У музокараларнинг қачон бошланишини аниқ айтмади, лекин бу учрашув «тез орада» бўлади, деди.

Ж. Буш Ироқ АҚШ билан иттифоқнинг юқорида айтилган музокараларни бошлаш тўғрисидаги шартини тезда қабул қилганидан мамнун эканлигини айтди.

Саддам Ҳусайн ҳарбий жиноятлари учун суд олдида жавоб берадими, деган саволга жавоб бериб, Америка Президенти бу масала «тегишли анжуманларда муҳокама қилиниши» кераклигини таъкидлади.

●

ҚОҲИРА. Қувайтдаги ҳар қандай ажнабий, агар «унинг бу ерда бўлиши мамлакат хавфсизлигига ва давлат тузумига хавф солса», ватанига қайтариб юборилади ёки ҳибсга олинади.

Қувайт амири Шайх Жаббор ал Аҳмад ал Жаббор ас Сабоҳ уч ой муддатга жорий этган ва «уруш даври» фавқулодда қонунларида шундай дейилган.

Қонунларда барча йиғинларнинг куч билан тарқатиб юборилиши, уюшмалар, клублар ва бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятининг тўхтатилиши кўзда тутилган. Тунда комендантлик соати амал қилиши айтилган. Хатхабарларни ва телефон орқали суҳбатларни назорат қилиш, ахборот воситалари устидан цензура ўрнатиш жорий этилади.

Қочоқларнинг ёки чет элда яшаётган қувайтликларнинг ватанга қайтишлари учун энди улардан ўзларининг асл қувайтлик эканликларини асосли равишда исботловчи далиллар талаб қилинади. Трибуналлар таъсис этиляпти, уларнинг ҳукмлари устидан тушадиган шикоятлар эътиборга олинмайди.

Бир қанча радиостанцияларнинг хабар қилишича, Қувайт сиёсий оппозициясининг вакиллари фавқулодда қонунлар жорий этилиши хусусида норозилик билдиришмоқда. Улар мамлакатда жамоат турмуши демократиялаштирилишини ёки ҳеч бўлмаганда 1962 йил Конституцияси тикланишини талаб қилишяпти.

Аввало аксарияти Ироқ босқинчиларини Қувайтни босиб олишда ва талашда жиддий қўллаб-қувватлаган фаластинликлар қайтариб юборилади ва қуролсизлантирилади.

●

БМТ. Эрон ва Ироқдаги БМТ ҳарбий кузатувчилари гуруҳига берилган мандат муддати февралнинг сўнгги кунида тугади.

БМТ бош котиби Хавьер Перес де Куэльяр ўз маърузасида БМТ Хавфсизлик Кенгашига Эрон билан Ироқ қўшинларини бу икки мамлакат ўртасида 1975 йилда имзоланган шартномада баён этилган халқаро тан олинган чегараларга олиб кетиш тугалланганлигини маълум қилди.

Шу тариқа, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Эрон—Ироқ можаросини бартараф этиш тўғрисидаги 598-қарорининг иккита асосий моддаси бажарилди. Бу моддаларда ўт очишни тўхтатиш ҳамда қўшинларни халқаро тан олинган чегараларга олиб кетиш кўзда тутилган эди. Кузатувчиларнинг бу гуруҳида яқин вақтгача 114 киши бор эди. Улар Ироқ-Қувайт танглиги муносабати билан асосан Эрон ҳудудида жойлаштирилган эди. Ироқ томонида турган кузатувчилар вақтинча Кипрга жўнатилганди.

●

ПРАГА. ЧСФР молия вазири Вацлав Клаус билан РСФСР молия вазири И. Лазарев ўртасида пайшанба куни бўлиб ўтган музокараларда ҳамкорлик қилиш имкониятлари муҳокама қилинди.

РСФСР молия вазири журналистларга амалий тусда ўтган музокаралар чоғида асосан кенг ахборот айирбошланганлигини айтди. У учрашув ҳар икки томон учун фойдали бўлганига ва келажакда музокаралар янада конкретроқ бўлишига ишонч билдирди.

В. Клаус музокараларда гап икки томонлама савдосотиқни енгиллаштирувчи конкрет масалаларнинг ечимидан кўра кўпроқ Чехословакиянинг иқтисодий ислоҳот ўтказишда тўпланган тажрибасини ўрганиш ҳақида борганлигини таъкидлади.

●

ДАККА. Бангладеш миллатчилик партияси (БМП) чоршанба куни бўлиб ўтган ялпи парламент сайловида пешқадамлик қилмоқда.

Овозларни дастлабки тарзда ҳисоблаб чиқиш якунлари Бегум Ҳолида Раҳмон бошчилигидаги БМП сайлов натижалари аниқ бўлган 240 та сайлов округидан 109 тасида ғалаба қозонганидан далолат бермоқда. Мамлакатда парламентга сайланадиган депутатлар миқдорига қараб 300 та округ тузилган (яна 30 аёл-депутат тайинланади).

Сайловчилар овози учун курашда Ҳасина Возид раҳбарлигидаги халқ уюшмаси ва унинг иттифоқчилари иккинчи ўринда туришибди. Улар 80 та округда ғалаба қозондилар. (ТАСС).

СПОРТ

ТОҒ-ЧАНҒИ: БЎШ КЕЛМАДИ

● Чирчиқлик Василиса Семенчук яқинда Лейк-Плэсид шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида зўр маҳорат кўрсатиб, ғолиблик супасига кўтарилган эди. Мухлислар назарига тушган бу спортчи жаҳон кубоги учун дастлабки босқич бақсида ҳам бўш келмади. Бу сафар мусобақа Львов вилоятининг Сколе шаҳрида ўтказилди. Василиса яна чанғида акробатик машқ бажариш бўйича астойдил ҳаракат қилиб, 153, 53 очко тўплади. Бу сафар у мусобақанинг бронза медалига сазовор бўлди.

ШАРҚОНА БЕЛЛАШУВ: МУҲИМ БОСҚИЧ

● Курашнинг шарқона турларидан ҳисобланган тэквондога қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Жумҳуриятимизда бундай беллашув ишқибозлари сафи кенгаймоқда. Курашчиларимиз маҳорат ошириб, мусобақаларда совринли ўринларни эгаллашга интилмоқдалар. Полвонларимиз яқинда Теҳронда ўтказилган халқаро мусобақада муваффақиятли беллашдилар. СССР терма командасига тошкентлик Олег Пяк бошчилик қилди. Мусобақада тошкентлик курашчилардан беш нафари мукофотли ўринни эгаллашди. Чунончи, Равшан Тошпўлатов, Сергей Шимонов, Александр Пак, Диёр Расулов, Константин Кузнецовлар халқаро баҳснинг бронза медалларини қўлга киритдилар. Бу мусобақалар яна бир неча кундан кейин Тошкентда бошланадиган мамлакат биринчи чемпионатига тайёргарликнинг муҳим босқичларидан бири бўлиб қолди.

КУРАШ: СОВРИНДОРЛИК БАҲСИДА

● Витебск шаҳрида классик кураш бўйича Бутуниттифоқ мусобақаси ўтказилди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Лев Даватар хотира-соврини учун ўтказилган бу беллашувда 200 дан ортиқ полвон иштирок этди. Мусобақа қатнашчиси бухоролик Фарҳод Муҳамедов эса кўтаринки руҳда курашиб, ғолиблик супасининг биринчи поғонасини эгаллади.

● *Журналларнинг янги сонларида*

«МУЛОҚОТ»

● ЖУРНАЛНИНГ 2-СОНИ БОСМАДАН ЧИҚДИ

«Муҳаррир минбари» рукнида берилган «Миллат таянчи» номли мақолада бошқарувдаги нуқсонлар, раҳбарнинг жамият ва халқ олдидаги масъулияти хусусида мулоҳаза юритилади. Тарих фанлари доктори Пўлат Ҳамдамовнинг «Янгиланаётган жамиятда янгиланаётган партия» сарлавҳали мақоласи Узбекистон Компартияси XXII съезди (иккинчи босқичи)да кўтарилган муаммолар ва партиянинг Ҳаракат дастури асосида жумҳурият Компартиясининг мустақиллиги масалаларига бағишланган.

«Ўзбекни ўзбек қилиб турганлар» рукни остида берилган, таниқли олимлар иштирок этган давра суҳбатида ҳам раҳбарнинг маънавий қиёфаси, унинг жамият тараққиётида тутган ўрни, халқ фаровонлиги ва Ватан истиқболи олдидаги бурчи хусусида фикр юритилади.

Фалсафа фанлари доктори Муталлиб Усмонов «Навбатдаги ғоявий хуруж» сарлавҳали мақоласида Москвада чиқадиган «Диалог» журналининг 1990 йил 6-сонида босилган Игорь Беляевнинг «Ислом: дин ва сиёсат» мақоласини таҳлил этаркан, унинг фикрларини кескин танқид қилиб, даъвосининг асоссиз эканлигини исботлаб беради.

Муштарийлар таниқли олим Ботир Валихўжаевнинг «Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари» сарлавҳали мақоласини қизиқиб ўқишлари тайин. Зеро, улуғ бобомиз қадами етган жойлар ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган ва ташвиқ қилинмаган.

«Халқ қаҳрамонлари» рукни остида ёзувчи Мақсуд Қориевнинг «Спитамен» мақоласини, шоир Муҳаммад Алининг «Ҳақиқатдан чекинма, тарих!» номли эссесини ҳам ўқийсиз. Ҳар икки мақола халқимиз ўтмишини ўрганиш, ундан ибратли хулосалар чиқаришга кўмаклашади. Шунингдек, Узбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси Бўрибой Аҳмедовнинг «Узбеклар» мақоласи давоми, санъатшунос Фрунзе Жўраевнинг «Отелло фожиасининг қурбонлари», профессор Азиз Қаюмовнинг «Меҳнат ва маънавият», мунаққид Н. Худойбергановнинг «Партиявийлик чексизми?» сарлавҳали мақолаларини ўқиш мумкин.

«7-саҳифа меҳмони» рукнида эса Узбекистон ССР Фанлар академияси президенти М. Салоҳиддинов билан мулоқотда бўласиз. Ойноманинг бу сонидан шоир Йўлдош Эшбекнинг шеърлари, ёзувчи Шойим Бўтаевнинг «Ёлғиз бош» номли ҳикояси ҳамда бошқа бир қатор қизиқарли мақолалар, сиёсий ҳангомалар ўрин олган.

● ҚАРДОШЛИК

БАРЧА ХАЛҚЛАР УЛУҒДИР

Қадимий маданий меросининг соҳиби бўлмиш қримтатар халқи дунё адабиёти хазинасига жавоҳирлар қўшган шоирлари билан фахрланади.

Аммо уларнинг асарлари сўнгги эллик йилда на фақат дунё халқларига, ҳатто Бутуниттифоқ китобхонига ҳам етиб бормади. Юрт ғам-ғуссаси билан яшаган ва орзу-умидларини назмда баён этган қримтатар шоирларининг аламли юрак сўзларини жаҳон афкор оммаси эшитмади. Яқин-яқинларгача бу асарларни бир ерга жамлаб, қардош халқларнинг китобхонларига тақдим қилинмади.

Ошкоралик ва қайта қуриш шамолларининг таъсири адабиётда ҳам сезилган ҳозирги пайтда бу соҳада дастлабки қадам қўйилди. Москвада «Советский писатель» нашриётида қримтатар шоирларининг асарларидан иборат «Барча халқлар улуғдир» тўплами чоп қилинди. Қримтатар халқининг сўнгги эллик йиллик тарихида биринчи марта чиқарилган бу тўпламни сургунликда бўлган халқ шоирларининг она юртдан узоқда ёзган асарлари жамланган ўзига хос қомус дейиш мумкин.

Тўпламда ижоди Қримда бошланган, сўнгра сургунликда давом этган Э. Шемьизаде, А. Алтанли, Э. Жватобели, Р. Мурад, Э. Селямет, С. Эмин, Р. Халид, Черкез Али, ватандан узоқда адабиётга келиб кирган Р. Фозил, З. Куртнезир, Б. Мамбет, И. Абдураман, Ш. Алиев, М. Аблялимов, Ш. Селимов, мактаб кўрмай, она тилини мустақил ўрганган 70-йиллар ёшлари А. Кокиева, Ш. Аппазов, Л. Буджурова,



Ю. Кандимов, Р. Мемиш каби 34 шоирнинг асарларидан намуналар бор.

Бу тўпламни Бутуниттифоқ китобхонига тақдим этиш каби ҳайрли ишга қўл урган А. Тарковский, М. Дудин, В. Шефнер, В. Цибин, М. Борисова, О. Дмитриев, А. Наумов каби таниқли таржимон шоирлар билан бирга, Е. Ильясов, А. Файнберг, Н. Красильников, Р. Фарҳодий, Г. Резиновский каби ўзбекистонлик шоирларнинг хизматларини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Ўттиз тўрт шоирнинг турли мавзуларда ёзган шеърлари, балладалари ва достонларидан иборат бу тўплам қримтатар халқининг маданий ҳаётида катта воқеа бўлиб, у ватанига қайтаётган халқ олдида адибларнинг эллик йил давомида юрак ҳарорати билан йўғрилган ижодий ҳисоботидир.

С. НАГАЕВ.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

4 март—10 март

4, душанба

● УзТВ-I

18.00 Янгиликлар. 18.05 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун концерт. 19.00 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». 19.30 «Ахборот». 19.45 Севги ва баҳор тароналари. 20.30 Ахборот. 20.50 Чолғу куйлари. 21.25 Ботир Зокиров хотирасига бағишланган телевизион кўрик ҳақида. 21.30 Время. 22.15 «Халқ иродаси». 22.25 «Дунёнинг ишлари». Телеспектакль, 1-қисм.

● УзТВ-II

19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Спринт». 20.15 «Қишлоқда аҳволлар қандай?». 20.50 «Тожикистон жумҳурияти санъати». **Душанбе кўрсатади:** 21.30 Время. 22.15 «Душанба оқшомида». Бадиий-публицистик видеоканал.

● МТ-I.

7.00 Тонг. 7.30 Мулоқот. 7.50 Футбол шарҳи. 10.20 Мультфильмлар. 10.55 «Тилларанг булут ухларди». Бадиий фильм. 12.30 ТСН. 12.45 «Тандир, арча, олов...». 15.30 ТСН. 15.45 «Гаровга тикилган ҳаёт». Бадиий фильм, 16-фильм. 16.40 Ҳужжатли фильм. 17.10 Концерт. 17.45 Мультфильм. 18.00 Болалар соати. 19.00 ТСН. 19.15 «Севгидан ҳузур-ҳаловатим йўқ». 20.10 «Аёлни изланг». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 Время. 22.15 Футбол шарҳи. 22.45 Эфирда мусиқа. 00.45 Халқаро янгиликлар. 01.00 «Жумбоқнинг ечилиши». Бадиий фильм. 02.20 Алла Баянова концерти.

● МТ-II.

8.00 «Ишбилармон кишининг тонгги». 9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Физика. 10.05 Итальян тили. 11.05 «Адам Смит бойлиги дунёси». 11.40, 12.35 Биология. 12.10 Илмий-оммабоп фильм. 13.05 «Яшаш муҳити». Бадиий фильм. 14.15 Телефильм. 15.15 Концерт. 15.35 Халқаро программа. 17.30 Деҳқончилик юмушлари. 18.15 Концерт. 18.40 «Агар сиз...». 19.20 Мультфильм. 19.40 «Телевизион мусиқий абонемент». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Фристайл. Жаҳон кубоги. 21.30 Время. 22.15 «Қочоқ». Бадиий фильм. 23.40 «Босқичлар». 00.55 Концерт.

5, сешанба

● УзТВ-I.

9.00 «Табиатни асранг». Кинопрограмма. 10.00 «Амина». Ҳужжатли фильм. 10.30 «Баҳорги олимпиада ёки ҳор бошлиғи». Бадиий фильм. 1-серия. 18.00 Янгиликлар. 18.05 Мультфильм. 18.15 Болалар учун. «Чаманда гул». 18.45 «Ҳокимият Шўроларда». 19.15 «Халқаро ҳаёт». 19.30 Ахборот. 19.45 «Суянчим—шеърият». 20.25 «Спортлото». 20.30 Ахборот. 20.50 Ўзбек классик қўшиқлари. 21.30 Время. 22.15 Халқ иродаси. 22.25 «Дунёнинг ишлари». Телеспектакль, 2-қисм.

● УзТВ-II

19.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Учрашув». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Учрашув» кўрсатувининг давоми. **Душанбе кўрсатади:** 21.30 Время. 22.15 «Сизнинг фикрингиз». 23.15 Фильм-концерт.

● МТ-I.

7.00 Тонг. 9.30 Долзарб репортаж. 9.50 Телефильм. 10.15 Болалар соати. 11.15 «Аёлни изланг». Бадиий фильм, 1-серия. 12.30 ТСН. 12.45 Концерт. 15.30 ТСН. 15.45 «Гаровга тикилган ҳаёт». Бадиий фильм, 17-фильм. 16.40 «Мусиқий хазина». 17.25 «Чемпионлар билан биргаликда». 17.40 Болалар мусиқий клуби. 18.30 «Тараққиёт. Ахборот. Реклама». 19.00 ТСН. 19.15 «Бундайлар оз қоляпти». 20.05 Долзарб репортаж. 20.20 «Аёлни изланг». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 Время. 22.15 «ВИД» таништиради. 23.00 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 00.30 Концерт. 00.45 Халқаро янгиликлар. 01.00 «Останкинода зиёфат».

● МТ-II.

9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Физика. 10.05, 11.05 Француз тили. 11.35, 12.35 Жуғрофия. 12.05 «Онам, дадам ва мен». 13.05 «Қочоқ». Бадиий фильм. 14.30 Телефильм. 15.00 Ритмик гимнастика. 15.30 Фильм-концерт. 17.30 «Деҳқончилик юмушлари». 18.15 Телефильм. 18.25 Ритмик гимнастика. 18.55 П. И. Чайковский балетларидан композиция. 19.45 «Поэзия». 20.50 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 21.05 Коллаж. 21.10 «Чао Буйнов, чао!». 21.30 Время. 22.15 Концерт. 22.30 Футбол. СССР кубоги. 23.20 Телефильм.

6, чоршанба

● УзТВ-I

9.00 Телефильм. 9.40 «Баҳорги олимпиада ёки ҳор бошлиғи». Бадиий фильм, 2-серия. 10.50 «Оҳ менинг ёшлигим». 18.00 Янгиликлар. 18.05 Мультфильм. 18.15 «Болаликни куйлайман». 18.45 «Қўллар хазинаси». 19.20 Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 19.30 Ахборот. 19.45 Тижорат хабарлари. 19.50 Адабий-мусиқий кўрсатув. 20.30 Ахборот. 20.50 «Бирини ой англа...» (давоми). 21.30 Время. 22.15 Халқ иродаси. 22.25 Кино... кино... кино... 23.25 «Тошкент» студияси. Мусиқий—эстрада кўрсатувини намойиш этади.

● УзТВ-II.

19.00 «Верешок». 19.20 «Хонадонингиз тинч бўлсин!». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Билим сарчашмаси». 20.50 «Туркманистон жумҳурияти киносанъати». **Душанбе** кўрсатади. 21.30 Время. 22.15 Театр учрашувлари. 23.15 «Чакана нархда». Бадиий фильм.

● МТ-I.

7.00 Тонг, 9.30 Ишчан чопар. 9.45 «Болалар мусиқий клуби» 10.30 «Сиз бунга қодирсиз». 11.20 «Аёлни изланг». Бадиий фильм. 12.30 ТСН. 12.45 Адабий-бадиий программа. 15.30 ТСН. 15.45 «Гаровга тикилган ҳаёт». Бадиий фильм. 18-фильм. 16.40 Ҳужжатли фильм. 16.55 Болалар соати. 17.55 Концерт. 19.00 ТСН. 19.15 Фильм-концерт. 20.15 «Сизни оперетта таклиф этади». 21.30 Время. 22.15 Европа чемпионлари кубоги. 24.00 Концерт. 00.45 Футбол. Европа кубоглари. 03.25 «Дам эркак, дам аёл». Бадиий фильм, 1-.ерия.

● МТ-II.

9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 Телефильм. 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 10.05, 11.05 Немис тили. 11.35, 12.35 Мусиқа. 12.05 «Здоровье». 13.05 «Серафима Глюкинанинг оддий кунлари ва байрамлари». Бадиий фильм, 1-серия. 14.15 «Телевизион мусиқий абонемент». 15.05 «Л. Н. Толстой. Сўнгги кунлари». 16.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.30 Деҳқончилик юмушлари. 18.15 Ҳужжатли фильм. 18.40 Мультфильмлар. 19.10 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф». 20.10 Коллаж. 20.15 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.30 Время. 22.15 «Серафима Глюкинанинг оддий кунлари ва байрамлари». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 00.40 Концерт.

7, пайшанба

● УзТВ-I.

9.00 Болалар учун фильмлар. 9.20 «Қалин ўрмонзор оралаб». Телефильм. 9.45 Араб тили. 10.00 «Содиқ шогирд». Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.05 Мультфильм. 18.15 «Қувноқлар даврасида». 18.45 Ахборот. 19.00 Жамоат ташкилотларида. 19.30 Ахборот. 19.55 **Москва. Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш.** ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. 21.30 Время. 22.15 «Халқ иродаси». 22.25 «Тамарахоним». Фильм-концерт. 22.55 «Нафосат».

● УзТВ-II.

19.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми. **Душанбе** кўрсатади. 21.30 Время. 22.15 «Чеҳраи ҳунар». 23.30 «Уйғур оиласи». Фильм-концерт.

● МТ-I.

7.00 Тонг. 9.30 «Чемпионлар билан биргаликда». 9.50 Футбол. Европа кубоклари. 11.30 Болалар соати. 12.30 ТСН. 12.45 Футбол. Европа кубоклари. 14.25 Китобхон ва китоб. 15.30 ТСН. 15.45 Мультфильмлар. 16.10 «Онам, дадам ва мен». 16.40 «...16 ёшгача ва ундан катталарга». Мусиқий илова. 17.25 Концерт. 18.00 ТСН. 18.20 «Қирол гвардиясининг ўқчиси Квентин Дорварднинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 19.55 **Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш.** 21.30 Время. 22.15 «Сизни Лариса Рубальская таклиф этади». 00.35 Ҳужжатли фильм. 00.55 Халқаро янгиликлар. 01.10 «Пи» белгиси билан. 02.10 Ҳужжатли фильм. 02.40 «Дам эркак, дам аёл». Бадиий фильм. 2-серия.

● МТ-II

9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15, 10.25 Телефильм. 9.35, 10.45 Табиатшунослик. 9.55, 11.05 Испан тили. 11.35, 12.35 Теварак-атроф билан танишинг. 11.55 «Адам Смит бойлиги дунёси». 12.55 «Серафима Глюкинанинг оддий кунлари ва байрамлари. Бадиий фильм, 2-серия. 14.10 Концерт-очерк. 14.30 Телефильм. 14.45 «Букри тойчоқ». 16.15 Ритмик гимнастика. 16.30 Мультфильм. 17.55 «Инсон. Ер. Коинот». 18.40 Ритмик гимнастика. 19.10 «Миллесгорден». Учувчи ҳайкаллар боғи 19.35 Коллаж. 19.40 Концерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 21.15 Автоспорт. 21.30 Время. 22.15 «Марта, Марта». Бадиий фильм. 23.45 Телефильм. 00.35 Концерт.

8, жума

● УзТВ-I.

9.00 «Рақсларда умр баҳори». Узбекистон ССР халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова. 10.00 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 12.00 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Агар мўъжиза юз берса...» София Саттарова. 12.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сиз борки...» 14.35 «Байрамингиз қутлуғ бўлсин, дугонажонлар!». 18.00 Болалар учун. «Онажоним, онажон!». 18.35 Мультипанорама. 19.20 «Аралаш», Ҳажвий киножурнал. 19.30 Ахборот. 19.45 «Ул санамки...» 20.30 Ахборот. 20.50 Юлдуз Усмонова куйлайди. 21.30 Время. 22.15 Халқ иродаси. 22.25 «Хонадонимиз фаришталари». Телеминиатюралар театри.

● УзТВ-II.

19.00 «Тошкент» студиясининг хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган байрам кўрсатуви. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Енгил қадам». Бадиий фильм. **Душанбе.** кўрсатади. 21.30 Время. 22.15 «Кошонаи Лайли». Хотин-қизлар кунига бағишланган кўрсатув.

● МТ-I.

8.30 ТСН. 8.50 Концерт. 9.20 Мультфильмлар. 10.00 Концерт. 11.00 Телефильм. 11.15 «Катта симфоник оркестр. 60-мавсум. Гастроллар». Бадиий фильм. 12.25 «Қизиқувчилар оламы». 12.45 «Андрей». Бадиий-ҳужжатли фильм. 13.55 Шоирлар мусоҳабаси. 14.25 «Похол шляпа». Бадиий фильм, 1-серия. 15.30 ТСН. 15.45 «Похол шляпа». Бадиий фильм, 2-серия. 16.50 Мусиқий фильм. 17.30 Мультфильм. 17.45 «1991 йил қўшиқлари». 19.00 Ҳажвий дам олиш кўрсатуви. 20.10 «ВИД» программаси. 20.25 Бадиий фильм премьераси. 21.30 Время. 22.15 Эстрада-цирк томошалари. 01.05 «ВИД» программаси.

● МТ-II.

8.30 Эрталабки бадантарбия. 8.45 Мультфильмлар. 9.10 Концерт. 9.45 Синхрон сузиш. 10.40 Коллаж. 10.45 Болалар учун фильм. 11.55 КВН. 14.00 «Беш плюс». 14.25 «Майдон». 15.25 Телефильм. 15.55 Хоккей. СССР чемпионати. 18.05 Концерт. 18.30 Мультфильмлар. 18.45 Россиянинг парламент хабарномаси. 19.00 Киносерпантин. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Киносерпантин. 21.30 Время. 22.15 Киносерпантин.

9, шанба

● УзТВ-I.

9.00 «Муҳаббат риштаси». Бадиий фильм, 1-серия. 10.15 «Таълим ва маданий мерос». 10.55 «Муҳаббат риштаси». Бадиий фильм, 2-серия. 12.10 «Беллашув». 13.10 «Ассалом, футбол!». 18.00 Мультфильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун, «Қўшиғим, жон қўшиғим». 19.00 «Узбек тилини ўрганамиз». 19.30 Ахборот. 19.50 Тижорат хабарлари. 19.55 Дуторчи қизлар ансамбли ижро этади. 20.30 Ҳафтанома. 21.30 Время. 22.15 «Санъат усталари». Узбекистон ССР халқ артисти Зайнаб Садриева. 23.15 «Қимматга тушган ҳузур-ҳаловат». Бадиий фильм.

● УзТВ-II.

ДУШАНБЕ кўрсатади. 19.10 Она ва бола. 19.30 Новости. 19.50 Оқ йўл «Помир». 20.30 Ахбор.

● МТ-I.

8.30 ТСН. 8.45 Спорт ҳамма учун. 9.00 Мультфильм. 9.15 Тонгги дам олиш программаси. 9.45 «Ер — она масканимиз». 10.15 Концерт. 11.15 Телефильм. 11.35 «Тонг юлдузи». 12.35 Шеърият лаҳзалари. 12.45 Мультфильм. 13.30 Концерт. 14.05 «Циркни ҳамма севади». 14.45 «Сиз бунга қодирсиз». 15.30 ТСН. 15.45 «Китни тишини қандай олиш керак». Бадиий фильм. 17.20 Концерт. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультфильм. 19.40 «Дежа Вю». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.15 «Қойил». 00.45 «ВИД» таништиради. 01.45 «Баҳона». Бадиий фильм. 1-серия.

● МТ-II.

8.30 Эрталабки бадантарбия. 8.45 Концерт. 9.20 Болалар учун фильм. 9.40 Мультфильм. 10.00 Ҳужжатли фильм. 10.30 Енгил атлетика. 11.30 «Оила». 12.30 Ҳужжатли фильм. 13.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 16.30 «Плюс ўн бир». Видеоканали. 20.45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 21.00 Ҳужжатли фильм. 21.30 Время. 22.15 «Сукунат». Бадиий фильм. 00.25 Хоккей. СССР чемпионати. 01.25 «Александр томошалари».

10, якшанба

● УзТВ-I.

8.00 «Ҳафтанома». 9.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар». 10.00 «Изланиш». 10.40 «Алифбо сабоқлари». 11.15 «Актёрлар ва роллар». Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Муҳаммадсоли Юсупов. 12.15 «Деҳқон ва замин». 13.15 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». 14.05 «Меҳрибонлар». Жумҳурият Қизил ярим ой жамияти фаолияти ҳақида. 17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Черноморец» (Одесса). 18.50 «Балкон» Мультфильм. 19.00 Болалар учун «Кичкинтой» кўрсатуви. 19.30 «Ахборот». 19.50 «Мусиқа жавони». 20.30 «Ахборот». 20.50 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навоий гулшани». Адабий-мусиқий кўрсатув. 21.30 Время. 22.15 «Нофелет қаерда». Бадиий фильм.

● МТ-I.

8.30 ТСН. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото». 9.30 «Эрта саҳарлаб». 10.30 «Ватан хизматида». 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 «Саёҳатчилар клуби». 13.30 Қишлоқ янгиликлари. 14.30 Мусиқий киоска. 15.00 «Тунов кун» программаси. 15.30 ТСН. 15.45 «Марафон—15». 17.00 Концерт. 18.40 «Уолт Дисней таништиради». 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.20 «Мистер Робинзон Крузо». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.15 Футбол. СССР чемпионати. 00.05 Телевизион танишув. 01.20 «Рақслар, рақслар, рақслар». 02.40 «Баҳона». Бадиий фильм. 2-серия.

● МТ-II.

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 Ҳужжатли фильм. 8.55 Болалар учун фильмлар. 9.30 «Оркестр таклиф этади». 10.10 Спидвей. Жаҳон чемпионати. 10.40 Баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 11.40 Телефильм. 12.10 «Чашмалар». 12.40 «Таклиф этамиз».

14.15 Узбекистон телевидениесининг **«ДЎСТЛИК» видеоканали.** 17.45 Мультфильмлар. 18.00 Телеспектакль. 18.55 Халқаро программа. 19.55 Коллаж. 20.00 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.30 Енгил атлетика. 21.30 Время. 22.15 Муаллифлик телевидениеси. 00.15 Мусиқий программа.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.